Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 247 (20. 814) • 1990 йил 28 октябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Эртага Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлайди

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

Сўз—Ўзбекистон ССЖ депутатига

Ун иккинчи чақириқ жумҳурият Олий Кенгаши учинчи сессияси кун тартибидаги жуда муҳим масалалар, —бозор иқтисодиётига ўтиш дастури, жумҳуриятда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳақидаги Қонун лойиҳаси ҳамда бошқа ҳужжатлар атрофлича муҳокама этилишга моликдир. Жумҳурият Президенти Фармонларининг тасдиқланиши эса айни муддаодир. Жумҳуриятимиз Президенти чиқарган Фармонлар иқтисодиётимизни соғломлаштириш, унинг мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнаяпти.

Қишлоқ меҳнатчилари томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ерлар ажратилиши тўғрисидаги Фармонни ғоят хурсандчилик билан кутиб олишганлигини яна бир карра тилга олмоқчиман. Биз чўпонлар ҳам туриш-турмушимизга эътибор бермоқдамиз. Қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш йўлларини изламоқдамиз.

Давлат хўжалигимиз бу йил қувонарли натижаларни қўлга киритмоқда. Қўзи олиш топшириғи оширибажарилди. Ёз фаслида мўлкўл ем-хашак жамғардик. Айни кунларда чорва қишловига пухта тайёрланмоқдамиз. Руҳан тетик чорвадорларимиз йилни муваффақиятли якунлаш чора-тадбирларини кўришаётир.

Абдураззоқ УМИРЗОҚОВ,
Нурота район, «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозининг директори.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

27 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Тошкентда ўтказилаётган Совет—Афғон учрашувида қатнашаётган Афғонистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон делегацияларининг аъзоларини қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон ССЖ Президенти Тошкентдаги музокаралар, ҳужжатларнинг имзоланиши Ўрта Осиё Совет жумҳуриятлари билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришга янги омил бағишлайди, деб таъкидлади. Мазкур минтақа халқлари маданияти, урф-одатларида муштарак жиҳатлар кўп. Иқтисодий ва савдо алоқаларининг кенгайиши улар ўртасида таркиб топган яхши муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Қайта қуриш, бозор муносабатларига ўтиш билан алоқадор мушкулликларга қарамай, Афғонистон дуч келаётган қийинчиликни тушунган Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятлар уни қўллаб-қувватлаш учун имкони бўлган барча ишларни қиладилар. Энг муҳими, ана шу жафокаш диёрда тезроқ тинчлик ва тотувлик бошлансин. Одамлар турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи савдо-иқтисодий муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ўзаро фойдали асосда қурилиши лозим.



СУРАТДА: қабул пайти.

(ЎзТАГ сурати).

И. А. Каримов ҳукуматлараро Совет—Афғон доимий комиссиясининг ишига юксак баҳо берди.

Қабул маросимида сўзга чиққан Афғонистон делегациясининг бошлиғи, Афғонистон жумҳурияти Бош Вазирининг ўринбосари А. В. Сароби Тошкентда делегацияни самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. У эришилган шартномаларни юқори баҳолади ҳамда Афғонистон ва у билан чегарадош Ўрта Осиё Совет Жумҳуриятлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик мустаҳкамланади ва ривожланади деб ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзолари — Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият давлат режалаштириш қўмитасининг раиси Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ССЖ ташқи ишлар вазири С. О. Азимов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ-АФҒОН УЧРАШУВИ

Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги кўп йиллик тарихга эга бўлган иқтисодий алоқаларга бугун янги омил бахш этилмоқда.

Совет — Афғон учрашувининг навбатдаги давраси 27 октябрь куни Тошкентда ўтказилди. Музокараларда Афғонистон Бош Вазирининг ўринбосари А. В. Сароби бошчилигидаги Ўзбекистон, Тожикистон ССЖ ташқи ишлар вазирлари Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият давлат режалаштириш қўмитасининг раиси Б. С. Ҳамидов бошчилигидаги Ўзбекистон, Тожикистон ССЖ ташқи ишлар вазири Л. Қ. Қаюмов бошчилигидаги Тожикистон, Туркманистон ССЖ ташқи ишлар вазири А. Қулиев бошчилигидаги Туркманистон делегациялари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов очди.

Учрашув қатнашчилари Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Афғонистон халқлари бир-бирлари билан минглаб дўстлик ришталари орқали боғланганлигини таъкидладилар. Совет Ўрта Осиё жумҳуриятлари вилоятлари билан Афғонистон вилоятлари ўртасида оталиқ алоқалари яхши анъанага айланди. Бу эса тили ва маданияти бир-бирига яқин бўлган халқлар мулоқот қилиши учун катта имконият яратади.

Делегация бошлиқларининг нутқларида ССЖИдаги қайта қуриш, иттифоқдош жумҳуриятларнинг реал мустақиллиги ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиши таъкидланди.

Музокара якунларига кўра, Совет Ўрта Осиёсининг учта жумҳурияти билан Афғонистон ўртасидаги, шунингдек, Ўзбекистон ССЖ билан Афғонистон жумҳурияти ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш назарда тутилган иккита ҳужжат имзоланди.

Музокараларда ҳукуматлараро Совет-Афғон доимий комиссияси раисининг ўринбосари И. Е. Хоциалов нутқ сўзлади.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, ССЖИнинг Афғонистон жумҳуриятидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Н. Пастухов, Афғонистон жумҳуриятининг ССЖИдаги фавқулодда ва мухтор элчиси М. Д. Размёр, Афғонистон жумҳуриятининг Тошкентдаги бош консули Ғ. Ҳ. Ҳамгар, Ўзбекистон ССЖ ташқи савдо ва ҳорижий алоқалар давлат комитетининг раиси А. Маҳмудов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БОШҚАРУВДАГИ ИЗЧИЛЛИК МЕЗОНИ

Капитал қурилиш ҳақидаги қонунчилик муаммолари

Жумҳуриятимиз уй-жой билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Агар мамлакатда бир киши ҳисобига 16 квадрат метр уй-жой тўғри келса, жумҳуриятимизда бу рақам 11,9 квадрат метрдан ошмаяпти. Бунинг ўз сабаблари бор. Қурилиш муддатлари чўзилиб кетиши, тугалланмаган объектларнинг тобора кўпайиши, ажратилган капитал жамғармалар етарли даражада ўзлаштирилмаётганлиги шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, бу камчиликларни тузатиш борасидаги ташкилий ва иқтисодий тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермаяпти. Капитал қурилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонунчилик актлари асосан Иттифоқ миқёсида қабул қилинган бўлиб, унда жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, географик, экологик, демографик хусусиятлари инобатга олинмаган.

Тўғри, бу соҳадаги айрим масалаларни ҳуқуқий тартибга соладиган қонунчилик актлари мавжуд. Бироқ улар гоҳида бир-бирига зид бўлган қоидаларни ҳам ўз ичига олган. Иттифоқ ҳукуматининг 1990 йил 29 апрелдаги «Иқтисодий ислоҳотни ҳуқуқий таъминлаш бўйича ташкилий ишлар ҳақида»ги қарорида 1991—1993 йиллар мобайнида хўжалик қонунчилигини системалаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Шу қарорга мувофиқ, жумҳуриятимизнинг хўжалик қонунчилигини системага солишни амалга ошириш лозим. Хўш, биз фикр юритаётган тармоқдаги қонунчилик қай даражада, деган ўринли савол туғилади. Авваламбор шуни қайд қилиш лозимки, жумҳуриятимизда худди Иттифоқдаги сингари бу соҳадаги қонунчилик ягона системага келтирилмаган.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизнинг қишлоқ хўжалигидаги капитал қурилиш муносабатлари икки хил шаклдаги ҳуқуқий тартиб асосида амалга оширилмоқда. Биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги капитал қурилиш шартномаларида қатнашувчи томонлардан бири давлат ташкилотлари бўлиб, у бевосита Иттифоқ Қурилиш қўмитаси томонидан 1989 йил 13 мартда тасдиқланган «Капитал қурилиш контракти ҳақидаги вақтинчалик Низом» билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Иккинчидан, бу хил шартномада буюртмачи бўлиб колхоз ёки бошқа кооператив ташкилотлари қатнашса, уларнинг ҳуқуқий ҳолати махсус қонунчилик акти билан тартибга солинмоқда.

Бундай махсус қонунчилик актлари фақатгина Иттифоқимизнинг бешта жумҳуриятида амал қиляпти. Шу жумладан, 1969 йилда «Ўзбекистон ССР капитал қурилишига оид пудрат шартномаси ҳақидаги махсус қоидалар» қабул қилинган бўлиб, у ҳозир кўп томонлама ўзининг юридик аҳамиятини йўқотди.

Қишлоқ хўжалигидаги капитал қурилиш муносабатларини юқорида қайд қилинган тарздаги икки хил кўринишда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ўзининг амалий самарасини бермаяпти. Шу сабабли биринчи навбатда жумҳуриятимиз ҳудудида амал қиладиган «Қишлоқ хўжалигида капитал қурилишга оид пудрат шартномаси ҳақидаги қоидалар»ни қабул қилиш лозим. Ушбу ҳуқуқий акт жумҳуриятимизнинг бу соҳадаги ўзига хос хусуситларини акс эттириб, қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи ташкилотлар учун мўлжалланган бўлиши лозим.

Ушбу қонунчилик актида шартномани тузиш тартиби, унда қатнашувчи — буюртмачи, пудратчи ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қурилишни амалга ошириш, объектларни қабул қилиш тартиби, ҳисобот ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги ҳақидаги қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.

Маълумки, капитал қурилиш муносабатлари уч хил усулда ташкил қилинади. Бунга пудрат, хўжалик ва аралаш усуллар киради. Ҳар бир усулнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ҳам бир-биридан фарқ қилади. Капитал қурилишни амалга оширишнинг хўжалик ҳамда аралаш усуллари бўйича биронта ҳам қоида на Иттифоқ ва на жумҳурият миқёсида ишлаб чиқилган.

Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида қурилиш қонунчилигини бир бутун ҳолда системага келтириш лозим. Жумҳуриятимизда қурилиш ва лойиҳалаш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган ягона қонун қабул қилиш лозим. Бу қонунда қурилишни бошқариш, режалаштириш, лойиҳалаш, молиявий ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, пудрат, хўжалик ва аралаш усуллар билан уни амалга ошириш, кўп томонлама қурилиш шартномалари (контракт)ни тузиш тартиби, кооператив ва шахсий қурилишни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти гражданлик жараёни ва меҳнат ҳуқуқи сектори мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Ҳадемай ҳарбий комиссариатлар ҳовлиси янада гавжумлашиб қолади. Дарвоқе, чақирилувчиларни уларнинг либосига қараб билиб олиш мумкин: эски шим, йиртиқ пойабзал, пахтали фуфайка. Елкасига оқ сурпдан тўрва осиб олишган. Шаҳар кўчаларида гуруҳ-гуруҳ юришади. Ҳар биттасининг камида 5—6 тадан кузатувчиси бор.

Барчамиз ўрганиб қолганмиз бу ҳолга. Ҳеч ким эътироз билдирмайди. Чақирув пунктидаги тартибсизликлар, бу ердаги ходимларнинг қўрслиги, қўполлиги ҳам жаҳлимизни чиқармайди. Самарқандда вилоят ҳарбий комиссариатининг чақирув пункти қўрғондай ўраб олинган. Ҳайронман, йигитларнинг нимасини яшириша ди улар одамлардан?

— Чақирилувчи вилоят марказига уч марта келишга мажбур, — дейди вилоят ҳарбий комиссари, полковник В. Пугачев. — Биринчисида соғлигини назорат қиламиз. Иккинчисида ҳарбий қисмдан келган киши суҳбатлашади. Ана ундан кейин сўнгги чақирув қоғозини қўлига берамиз.

— Мана шу ишларни бевосита районларда амалга оширса бўладими?

— Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Қоида шундай.

Баъзан йигитлар пункт атрофида суткалаб юришади. Сабаби маълум: ҳали қисмдан вакил келмаган, ҳали поездни тайёрлашмаган. Тўғри, пункт ичкарисида ошхона бор. Аммо у ерда тайёрланган овқатни егандан кўра оч юрган маъқулроқ.

Биз вилоят ҳарбий комиссариатида Пайариқ район ҳарбий комиссари подполковник Доноқул Суюнов билан учрашиб қолдик. У Президент Фармони ўз вақтида чиққанлиги, жумҳуриятнинг ноиблари бу масалани сессияда айнан вақтида кўриб чиқаётганликларини таъкидлади. Маълум бўлишича, райондан чақирилган йигитларнинг бир нечтаси касаллиги туфайли қишлоғига қайтиб келган. Шуларнинг 5 нафари аввалдан касал бўлган экан. Ҳатто яна бирининг кўзи яхши кўрмас экан. Демак, дастлабки тиббий назорат юзаки ўтказилган.

— Баҳорги чақирувда бир йигит районда тиббий назоратдан соғлом деб ўтказилган. Аммо вилоят комиссияси уни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топди. Унда туғма юрак касали бор экан, — дейди Д. Суюнов. — Умуман чақирилувчиларнинг саломатлигини назорат қилишга масъулият билан қараш керак. Бизга кўпинча ёш, тажрибасиз, касалхонада «ортиқча» бўлган врачларни беришади. Бунинг устига улар етарли тиббий ускуналар билан таъминланмаган. Менимча, бу ишларни бевосита районларнинг ўзида амалга ошириш зарур. Фақат бунинг учун комиссиялар таркибини мустаҳкамлаш керак.

Полковник Виктор Павлович билан маҳаллий қадрлар хусусида ҳам гаплашдик.

— Мен Президент Фармонини қўллаб-қувватлайман. Ҳақиқатан ҳам ерлик аҳолидан кадрлар, хусусан офицерлар тайёрлашга эътибор беришимиз зарур.

Полковник район ҳарбий комиссарларининг 5-6 нафари маҳаллий миллат вакиллари эканлигини фахр билан гапирди.

— Чақирилувчилар билан ишлайдиган бўлим бошлиғи Боев пенсияга кетяпти. Унинг ўрнига Ганзюкин тайинланяпмиз. Яхши офицер. ТуркВО-дан буйруқ келиши билан иш бошлайди.

— Ҳеч бўлмаса шу ўринга маҳаллий офицерлардан қўйса бўлмасмиди?

— Очиғи, мен бирорта ўринбосаримни ерлик йигитлардан қўяман деб юрибман.

— Нима, шу пайтгача вилоят ҳарбий комиссариатида маҳаллий миллат вакилларидан ходим йўқмиди?

Полковник бу ерда бироз ўйланиб қолди:

— Бор, нега йўқ экан. Масалан, хўжалик ишлари бўйича бўлим бошлиғи... Уни ҳозир ўқишга юбордик. Маҳкамамизда асосан ҳужжат ишлари олиб борилади. Шу боисдан уни «биладиган»ларга топшириб қўйганмиз.

Комиссарнинг сўзига қўшимча қилиб айтмоқчиманки, вилоят ҳудудидаги ҳарбий бўлинмаларда ишлаётган офицерларнинг 32 фоизи маҳаллий миллат вакилларидир. Аммо уларни тегишли лавозимларга кўтариш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Бу ҳуқуқ ҳозирча фақат Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги ихтиёрида. Шу боисдан халқ ноиблари вилоят Кенгаши ижроия комитетининг вилоят ҳарбий комиссариати бўлим бошлиғи вазифасига юборган номзоди қўмондонликка маъқул тушмади.

Хуллас, ана шунақа гаплар. Ҳар қалай, жумҳурият халқ ноиблари навбатдаги анжуманда бу борада қатъий қарорга келадилар деган умиддамиз.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАТЪИЙ ҚАРОР ЗАРУР

ЕРНИ СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАШ— МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

⊙ Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раёсатининг 26 октябрда бўлиб ўтган мажлисида 1991 йил ҳосилига замин тайёрлаш учун кузги-қишки ишлар қандай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Мажлисда қишлоқ меҳнатчилари яна бир неча кундан сўнг пахтани йиғиб-териб олишда беш миллион тонналик маррани эгаллашлари таъкидланди. Бу шак-шубҳасиз муваффақият фақат қулай об-ҳаво шароитининг натижаси бўлиб қолмай, биринчи навбатда жумҳурият халқ хўжалигининг ушбу энг муҳим тармоғида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг натижасидир. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасидан воз кечиш, хўжаликларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, пахта харид нархи ва пахтани териб олиш учун тўланадиган ҳақнинг оширилганлиги бу йилги терим мавсумида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабли келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин тайёрлаш ҳозирги пайтда ғоят муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Раёсат мажлисида таъкидландики, илғор хўжаликларнинг иш усули тадбирлар мажмуини энг яхши агротехника муддатларида жадал ўтказиш қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни, ҳосилнинг тез етилишини таъминлашни кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ерга зарур миқдорда маҳаллий ва маданий ўғит солиб, 20 ноябргача шудгор қилиб қўйиш зарур. Ерларни яхши текислаб, шўрни қисқа муддатда сифатли ювиш керак. Бу ишда жумҳурият ҳар бир вилоятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, 1991 йил ҳосили учун қатъий илмий асосда замин тайёрлаш муҳимдир.

Ҳозироқ 300 минг гектардан ортиқ ер шудгор қилиб қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Кузги-қишки тадбирларни ҳар томонлама ўтказиш учун ҳамма районларда етарли миқдорда ўғит ва техника мавжуд.

Қишлоқ меҳнатчилари моддий манфаатдорлигини ошириш бу ишларни муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Механизаторларга ҳайдалган ҳар гектар ер учун 10 сўмгача, сифатли шўр ювиш учун ҳар гектарига 8 сўм тўлаш тавсия этилди. Бошқа турдаги ишларга ҳам ҳақ тўлашни кўпайтириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раёсатининг мажлисида бригада бошлиқлари ва ижарачиларнинг тутган ўрни тўғрисидаги масала батафсил кўриб чиқилди. Айни шулар, айни ўрта бўғин командирлари етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга бебаҳо ҳисса қўшишлари мумкин ва лозим. 10 ноябргача бригадирлар сайловини тугаллаш, ижарачилар билан шартномалар тузиш ва уларга ер участкаларини биркитиб қўйиш зарур, бунда улар кузги-қишки ишлар билан шуғулланаётган жамоаларга бошчилик қилишлари эътиборга олиниши лозим.

Ҳозирги вақтда энг муҳими хўжалик ички тузилмаларини бузиш эмас, балки инсоннинг қалбидаги фикрни ўзгартиш эканлиги таъкидланди. Одамларни самарали ишлашга ўргатиш, ўзлари танлаган иш фақат моддий неъматларгина келтириб қолмай, маънавий жиҳатдан қониқиш ҳосил қилишига ҳам эришиш лозим.

Шунинг учун ҳам ишларни ҳисобга олиб боришнинг чек системаси бундай вазиятда иш берди, бундай система жорий этилганда, қишлоқ меҳнатчилари таннархи арзон мўл ҳосил етиштиришдан жуда манфаатдор бўладилар. Ишни ташкил этишнинг бу шакли бригадалар ва участкаларга ишнинг барча босқичларида қанча харажат бўлганлигини аниқ билиш, фойдани бехато режалаштириш имконини беради.

Бунга эришиш учун ҳозир жумҳуриятнинг барча вилоятларида бригадирлар, агрономлар ва хўжалик раҳбарларининг ўқувини ташкил этиш лозим. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида чек системасини ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг бошқа шаклларини жорий этиш юзасидан лекциялар ўқишга фақат жумҳурият пойтахтидан эмас, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ҳам таниқли олимлар ва мутахассисларни таклиф этиш зарур. Бу мақсадларга сарфланган маблағ салмоқли фойда тариқасида қайтади.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисида Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов сўзга чиқди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарори қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Келгуси йилга замин

● Районимиз пахтакорлари йиллик режани муддатидан олдин адо этган эдилар. Ҳозиргача 56 минг тоннадан знёд хом ашё хирмонга уюлди. Биз биринчи марта четдан ёрдамчи олмай, ҳашарчиларсиз ҳосилни йиғиб-териб олишга эришдик. Унинг 94 фоизи машиналар бункеридан тўкилди.

Ҳамкасбларимдан Шодиёр Мавлонов иккимиз — 240 тоннадан, М. Тошбоев — 170 тонна, К. Абдурахмонов — 162 тонна, П. Мусаев эса — 160 тонна пахта териб бердик.

Шуниси қувончлики, бу йил районимизда етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизи биринчи ва иккинчи навларга топширилди. Бу эса пахтакорлар учун 20 миллион сўмдан ортиқроқ соф фойда олиш имконини беради. Шак-шубҳасиз, бу маблағ қишлоқлар аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада оширишга сарфланади.

Биз районимиз хирмонини 60 минг тоннага етказиш учун курашяпмиз. Айни пайтда кузги-қишги тадбирларни ҳам унутмаяпмиз. Уни ўз вақтида, намунали ўтказиш учун қўшимча тадбирлар кўряпмиз.

Қ. ТУҒИЗБОЕВ,
Сирдарё вилояти Ильич районидаги «Правда» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси.

«ОГОНЁК» ТУҲФАСИ

Тошкент шаҳри аҳолисини узум, мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшаётган «Огонёк» давлат хўжалиги-заводи ўз маҳсулотларини кўпгина вилоятларга, ҳатто айрим чет эл мамлакатларига ҳам юборишни режалаштириб қўйди. Кейинги икки йил ичида бу ерда 485 гектар янги боғлар барпо этилди. Ҳозирги кунда 900 гектар боғ ва 700 гектар токзорларда етиштирилган мўл ҳосил саранжомлаб олинмоқда. Бу ерда режалар ҳамма соҳада ортиғи билан адо этилди. Мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут мўлжалдагидан знёда бўлди. Ҳар бир соғин сигирдан режадаги 2 минг 750 ўрнига 3 минг 300 килограммдан сут соғиб олинди. Хўжаликда соф фойда 4,5 миллион сўмни ташкил этди.

1800 тонна маҳсулотни қишга ғамлаб қўйиш имконини берадиган совутиш хонаси, 2 минг тонна узум ва мева шарбатини сақлайдиган цехлар қурилиб, ишга туширилди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1990 йил 29 октябрь куни соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ Диққатига

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари бугун, 28 октябрь куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эртага 29 октябрь куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кичик Мажлислар залида бўлади.

Газетхонларга

Тақдим этилаётган йўриқнома лойиҳаси КПСС XXVIII съезднинг топшириғига мувофиқ тайёрланди. КПСС Марказий Комитетининг Котибияти ва Марказий Назорат Комиссиясининг Ҳайъати коммунистлардан ва шу ҳужжатга қизиқиб қолган барча кишилардан ўз мулоҳазалари ва таклифларини бевосита КПСС Марказий Комитетига ёки Марказий Назорат Комиссиясига, ёхуд бошқа партия комитетига юборишларини сўрайдилар.

Лойиҳа

ПАРТИЯ АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИ ВА КПСС ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

I. КПСС аъзоларининг аъзолик бадаллари тўғрисида

АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ҲАҚИДА

1. КПСС Уставининг 38 параграфига мувофиқ партия аъзолари учун ойлик аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланган:

ойлик даромадлари	
70 сўмгача бўлганда	10 тийин
71 сўмдан 100 сўмгача	20 тийин
101 сўмдан 150 сўмгача	30 тийин
150 сўмдан 250 сўмгача	1 фоиз.
250 сўмдан ошганда	2 фоиз тўланади.

Коммунистлар истасалар КПСС Уставида белгиланганидан кўпроқ миқдорда ҳам аъзолик бадаллари тўлашлари мумкин.

Эслатма: КПСС аъзолигига киргунча синов муддати вақтида партия аъзолик бадаллари тўланмайди.

2. Партия аъзолик бадаллари ёзилган иш ҳақи, мукофотлар, гонорар, коммунистларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай рағбатлантиришлар ва тўловлар, стипендиялар ва пенсиялар миқдоридан, шунингдек, меҳнат жамоаларининг акциялари юзасидан музд тарзида олинган пуллардан, корхона, муассаса, ташкилот, колхоз, совхоз, кооперативнинг фойдаси (даромади)ни тақсимлаш натижасида олинадиган бошқа даромадлардан тўланади. Натура тарзида тўланган ҳамма турдаги ҳақ давлат харид нархларига мувофиқ пулга айлантириб ҳисобланади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки меҳнат хўжалиги таркибида ишловчи коммунистлар аъзолик бадалларини молия идораларига топширилади ва баённомада кўрсатилган, ҳақиқатда олинган даромадларнинг тўла ҳажмидан тўлайдилар.

Оила пудрати шароитида ишловчи коммунистлар аъзолик бадалларини пудратда қатнашаётган оила аъзоларининг сонига биноан мутаносиб тарзда белгиланадиган иш ҳақидан тўлайдилар.

Иш ҳақини қисман совет сўмида ва қисман хорижий валютада олувчи коммунистлар аъзолик бадалларини мутаносиб равишда совет сўмида ва хорижий валютада тўлайдилар. Тўланадиган бадал миқдори иш ҳақининг умумий миқдорига қараб белгиланади, валюта қисми хорижий валюталарнинг махсус қийматига асосланиб ҳисоблаб чиқарилади.

Чет элларда ишловчи коммунистлар қайси мамлакатдаги партия ташкилотининг ҳисобида турган бўлсалар, ўша мамлакатнинг валютасида аъзолик бадалларини тўлайдилар. Совет сўмидаги аъзолик бадаллари уларга Совет Иттифоқида ёзилган ҳамма турдаги иш ҳақидан партия билети сақланаётган жойда чет эл сафаридан қайтиб келганидан кейин ташкилот ёки корхонанинг мазкур коммунист учун СССРда сақланиб қолинган ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълуротномаси асосида қабул қилинади.

Чет эллардаги ҳар хил нашрлар, эълон қилинган асарлар, чиқишлар учун гонорар олинганда, коммунистлар ўзлари олган ҳақиқий пул миқдоридан партия бадаллари тўлайдилар, қонунда кўзда тутилган давлат солиқлари ва воситачилик ажратмалари чегириб ташланади.

3. Иш ҳақига қўшиб ёзилган устамалар, қўшимча иш ҳақи, даромадлар, мукофотлар, гонорарлар ва берилган ҳамма турдаги рағбатлантириш пули, шунингдек, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги сабабли ижтимоий ёки кооператив суғуртаси юзасидан берилган нафақалар қайси ойда олинган бўлса, партия аъзолик бадалларини тўлаш пайтида коммунистларнинг ўша ойдаги ҳисоблаб ёзилган асосий иш ҳақи (даромади) билан бирга қўшиб ҳисобланади. Ишлаб турган пенсионер коммунистлар пенсиядан, иш ҳақи ва даромаддан алоҳида-алоҳида партия аъзолик бадалларини тўлайдилар.

4. Аъзолик бадалларини қабул қилиш вақтида алоҳида топшириқларни бажарганлик (хизмат ва фуқаролик бурчини ижро этишда ёки ёнғинда, табиий офатларда кўрсатилган мардлик, авариянинг олдини олганлик ва шу кабилар) учун коммунистлар олган мукофотлар ва махсус тўловлар, халқ депутатларига депутатлик фаолияти билан боғлиқ тўловлар, шахсий юбилей саналари муносабати билан бир йўла бериладиган мукофотлар, бир йўла бериладиган нафақалар, ишдан бўшаш вақтида бир йўла бериладиган нафақалар ходимлар бошқа жойга ишга боравётганда бериладиган ёрдам пули, командировка харажатлари ҳақи ва командировка харажатлари ўрнига иш ҳақига қўшиладиган устамалар, натура билан тўланадиган ҳақ ва хизматларнинг ўрнига, хизмат юзасидан шахсий енгил автомобилдан фойдаланганлик учун бериладиган бошқа пул тўловлари, давлат заёмлари ва лотереяларнинг ютуқлари, шунингдек натура ва пул ҳолида олинган мерос ҳисобга олинмайди.

Аъзолик бадалларини тўлаш вақтида ногиронлик юзасидан ва балоғатга етмаган болалар учун белгиланган пенсиялар, кўп болали оналарга ва боласи қонунда белгиланган ёшга етгунича уни боқиш учун оналарга бериладиган нафақалар, ногиронларни боқиш юзасидан белгиланган нафақалар, ишчи ва хизматчиларга етказилган зарар (ўз меҳнат вазифасини бажариш чоғида майиб бўлиш ёки соғлиғига шикаст етганлиги) учун товон тарзида бериладиган тўловлар ҳисобга олинмайди.

5. Агар партия аъзоси саломатлиги ёмонлашганлигига ёки ёшига кўра партия турмушида тўла-тўкис қатнаша олмаса, унинг шахсий аризаси асосида бошланғич партия ташкилоти уни аъзолик бадаллари тўлашдан озод қилишга ҳақлидир.

Маошли комсомол ишидаги коммунистлар, башарти комсомол ташкилотларида бадал тўлаётган бўлсалар, партия аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилинишлари мумкин.

Маоши, пенсияси ёки бошқа даромадлари бўлмаган ҳар бир коммунист тўлайдиган бадалнинг миқдорини бошланғич партия ташкилоти аниқ вазиятни ҳисобга олиб белгилайди.

АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

6. Ҳар бир партия аъзоси ўзи ҳисобда турган партия ташкилотига ҳар ойда аъзолик бадаллари тўлайди.

Аъзолик бадаллари, одатда, навбатдаги ойнинг бошларида, коммунистларнинг ойлик иш ҳақи ҳамда ҳамма турдаги қўшимча тўловлар ва мукофотлар узил-кесил аниқланганидан кейин тўланади.

Эслатма: Партия аъзоси партия стажи сақланиб КПСС сафига қайтадан тикланганида, стажи узилиб қолган вақт учун унинг аъзолик бадалларини тўлаш тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилоти томонидан ҳал этилади.

7. Алоҳида меҳнат шароитлари тақозоси билан бир неча ойлаб олис иш жойларида бўлган коммунистлар (буғубоқарлар, қўйчивонлар, денгиз, балиқ овлаш флотлари ва бошқа флотларнинг денгизчилари, бошқа вилоятлар, ўлкалар, жумҳуриятларда ва ўзга жойларда ҳосил ўримида, ем-хашак тайёрлашда машғул бўлган механизаторлар) қайтиб келганларидан кейин қайси давр учун ҳақ ёзилган ва иш ҳақи берилган бўлса, ўша давр учун аъзолик бадалларини тўлайдилар. Улар йўқ бўлган вақтда аъзолик бадаллари ведомостида коммунистнинг фамилияси қаршисига: «Иш билан бошқа жойга кетган» деб ёзиб қўйилади.

Партия аъзоларининг аризаларига мувофиқ аъзолик бадаллари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар, совхозлар, кооперативларнинг ҳисоб бўлими орқали меҳнат фаолияти учун уларга ҳисоблаб ёзилган пулдан ушлаб қолиш йўли билан тўланиши мумкин.

Ушлаб қолинган бадалларни ҳисоб бўлими вилоят, ўлка партия комитетлари, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият комитетлари ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари аъзолик бадаллари алоҳида ҳисоб варақасига ёзиш учун жамғарма банки шаҳар, район бўлимларига ўтказади.

Коммунист навбатдаги отпускага, таътилга кетиш ҳамда бошқа жойга жўнаш пайтида кўпи билан олти ой учун аъзолик бадаллари олдиндан қабул қилиниши мумкин.

8. Аъзолик бадалларини бошланғич (цех) партия ташкилотининг котиби, унинг ўринбосари ёки партбюро (партком) вакил қилган коммунист қабул қилади.

Ташкилотга янги келган коммунистлар бошланғич партия комитетининг ҳисобига ўтганидан кейин улардан аъзолик бадаллари қабул этилади.

Аъзолик бадалларини қабул қилиш чоғида даромаднинг миқдори ва олинган бадал миқдори ведомостга ёзилади, унга коммунист қўл қўяди. Партия билетига тегишли ёзув қилиниб, бадал тўланганлиги тўғрисида тамға босилади ва бадални қабул қилувчи имзо чекади. Ишлаб турган пенсионер коммунист аъзолик бадалларини тўлаётган пайтда ведомостдаги унинг фамилияси ёзилган сатрда пенсия миқдори ва ундан тўланган бадал миқдори, шу сатрнинг пастига эса иш ҳақи (даромад миқдори) ва бадал миқдори кўрсатилади, партия билетига эса иш ҳақи билан пенсия, шунингдек, бадал миқдори умумий тарзда ёзилади. Совет сўмида ва хорижий валютада тўланган аъзолик бадаллари ведомостда ва партия билетида умумий миқдорда ёзилади. Валюта қисмининг миқдори хорижий валюталарнинг махсус қийматига мувофиқ совет сўмида белгиланади.

Бадаллар КПСС Уставида кўрсатилгандан кўра кўпроқ миқдорда тўланган тақдирда ведомостда ва партия билетида ҳақиқатда тўланган пул миқдори кўрсатилади.

Аъзолик бадаллари тўланганлиги ҳақида белги қўйиш учун тамға шакли район, шаҳар партия комитети томонидан белгиланади.

9. Аъзолик бадалларини тўлаш ведомости ҳар ойнинг биринчи куни очилади ва сўнгги куни ёпилади. Ведомостга муайян партия ташкилотида ҳисобда турган, шу жумладан бадал тўлашдан озод этилган барча партия аъзоларининг фамилиялари (алифбо тартибида) ёзилади. Ведомостда коммунист аъзолик бадалларини тўлаган сўнгги ой кўрсатилади. Шундан кейинги катаклар аъзолик бадалларини қабул қилиш вақтида тўлдирилади.

10. Аъзолик бадаллари тўланмаган тақдирда котиб унинг сабабларини суриштириб билиши ва зарурат туғилган ҳолларда масалани партия ташкилоти муҳокамасига қўйиши керак.

АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИ ҲИСОБГА ЎТКАЗИШ ВА УЛАР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ

11. Қабул этилган аъзолик бадаллари тушишига қараб жами тўла-тўкис, аммо камида ойига бир марта бошланғич, цех партия ташкилоти турган жойдаги жамғарма банки муассасасига топширилади, сўнгра у вилоят, ўлка комитетининг, мухтор жумҳурият жумҳурият комитетининг, иттифоқдош жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг давлат банкидаги алоҳида жорий ҳисоб варақасига ўтказилади.

Хорижий валютада қабул қилинган аъзолик бадаллари КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқармасининг ССЖИ Ташқи иқтисодий банкидаги валюта ҳисобига ўтказиш учун ССЖИ Ташқи иқтисодий банкининг бўлимига ёки коммунист валютада иш ҳақи олган корхонанинг валюта ҳисобига топширилади.

Коммунистлардан қабул қилинган аъзолик бадаллари парткомларга ва юқори партия комитетларига топширилмаслиги керак.

12. Аъзолик бадалларини тўлаш ведомостлари ва пул топширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар парткомга ёки бошланғич партия ташкилотининг партия бюросига ҳисобот ойидан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечикмай топширилади ва жорий йилни ҳисобга олмаганда, беш йил мобайнида сақланади.

Бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ведомостлар ва партия бадалларини топшириш ҳужжатлари асосида квартал учун аъзолик бадалларининг тушуми ҳақида йиғма ҳисобот тузиб, уни шаҳар, район партия комитетларига тақдим этадилар.

Эслатма: узоқ Шимол районларида ҳамда 11 ва 12 бандларда баён этилган талабларни бажариш қийин бўлган минтақаларда, шунингдек алоҳида иш хусусиятига эга бўлган (вахта усули, халқаро юк ташиш, цирк ҳамда бошқа жамоаларнинг узоқ давом этадиган гастроллари ҳамда шу кабилар) хўжаликлар, ташкилотлар ва корхоналарда бошланғич партия ташкилотларининг аъзолик бадалларини қабул қилиш ва топшириш ҳамда ҳисоботларни топшириш тартиби ва муддатлари шаҳар, район партия комитетлари томонидан белгиланади.

13. Шаҳар, район партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботлари ҳамда қабул қилинган ва ўтказилган пул миқдори ҳақидаги ҳужжатлар асосида шаҳар, район партия ташкилоти бўйича квартал мобайнида тушган партия бадалларининг тўғрисида йиғма ҳисобот тузиб, уни юқори партия комитетига тақдим этади.

Шаҳар ва район партия комитетларида аъзолик бадалларини тўлашни ҳисобга олиш карточкалари бошланғич партия ташкилотларининг ҳисоботлари, жамғарма банкларининг бўлимларидан олинган ариза-хабарлар ҳамда хорижий валюта маблағлари қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тўлдирилади.

Вилоят, ўлка партия комитетлари, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетлари ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари ҳар бир шаҳар, район партия ташкилоти бўйича тушган аъзолик бадалларини ҳисобга олиб борадилар. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари иттифоқдош жумҳурият Компартияси бўйича квартал йиғма ҳисоботини тузиб, уни КПСС Марказий Комитетига тақдим этади.

АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИШИГА РАҲБАРЛИК

14. Аъзолик бадалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш ишига раҳбарликни партия комитетлари амалга оширадилар. Улар партия ташкилотларида шу масалаларга доир ишларнинг аҳволини, коммунистлар аъзолик бадалларини тўлаш юзасидан уставда белгиланган талабларга риоя этишларини мунтазам равишда муҳокама қилиб борадилар.

15. Бошланғич партия ташкилотларида аъзолик бадалларини тўлашнинг аҳволи устидан назоратни шу партия ташкилотларининг назорат (тафтиш) комиссиялари амалга оширадилар.

Шаҳар, район партия комитетлари ва назорат (тафтиш) комиссиялари ҳар бир бошланғич партия ташкилотида партия аъзолик бадалларининг тўланиши ва ҳисобга олинишини ҳужжатлар асосида йилига камида бир марта текширадилар.

II. КПСС ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти

1. КПСС ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти аъзолик бадаллари, ноширлик, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, коммунистларнинг ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари, ҳуриятлар жумҳурият комитетларининг, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг пленумларида партия бюджетини тасдиқлаш вақтида партия ташкилотларининг фаолиятини таъминлаш учун зарур молиявий шароит яратиш қоидасига асосланиб тақсимланади.

КПСС Уставига мувофиқ тушган аъзолик бадаллари маблағининг 50 фоизгача бўлган қисми бошланғич партия ташкилотларининг эҳтиёжлари учун сарфланади.

Шаҳар, район партия ташкилотида ҳар бир бошланғич ташкилот учун қанча фоиз маблағ ажратилиши ёки дотация миқдори шаҳар, район комитети ҳузуридаги молия комиссиясининг таклифларини эътиборга олиб, бошланғич ташкилотлар котибларининг ёки бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгашларининг иштирокида белгиланади ва партия комитетининг пленуми томонидан тасдиқланади. Шаҳар, район партия комитетида шу маблағ ҳисобидан йил давомида бошланғич партия ташкилотларининг кутилмаган харажатлари учун эҳтиёт жамғармаси тузилиши мумкин.

Мазкур жамғарманинг миқдори ва уни сарфлаш тартиби ҳам тегишли партия комитетининг пленуми томонидан белгиланади.

3. Аъзолик бадалларидан ажратмаларнинг белгиланган фоизи асосида шу маблағнинг ўтган йиллардаги қолдиғи, шунингдек кордонлик фаолиятидан тушган даромадлар, ихтиёрий бадаллар ва бошқа тушумлар асосида ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметасини тузади, унга мазкур партия ташкилотининг маошли ходимларини сақлаш харажатлари ҳам киритилади. Смета умумий партия йиғилишида ёки райком ҳуқуқига эга бўлган партком мажлисида тасдиқланади.

Маошли ходимларни сақлаш, уларнинг меҳнатига қанча миқдорда ҳақ тўлаш тўғрисидаги масалани бошланғич партия ташкилоти ҳақиқий заруратга, молиявий имкониятларга ва КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган иш ҳақи миқдорига асосланиб ҳал қилади. Бунда партия ташкилотларининг маошсиз котибларига қўшимча ҳақ тўлаш шаклидан фойдаланиш мумкин.

4. Тушган аъзолик бадалларидан бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини пул билан таъминлаш учун ажратилган маблағ вилоят, ўлка партия комитетлари, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетлари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари томонидан шаҳар, район партия комитетлари орқали партия комитетларининг пленумларида тасдиқланган миқдорда ва ҳақиқатда тушган бадаллар миқдорига асосланиб ўтказилади.

5. Молиявий операцияларни юритиш учун ўз молиявий базасига эга бўлган партия комитетлари тегишли вилоят, ўлка партия комитетлари, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият партия комитетлари, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари ижозати билан давлат банки бўлимларида жорий (ҳисоб-китоб) варақасини очишлари ва амалдаги қонунларга биноан ҳуқуқий шахс мақомидан фойдаланишлари мумкин. Бошқа партия ташкилотлари учун жамғарма банкларида жорий варақалар очилади ёки шу мақсадлар учун тегишли шаҳар, район партия комитетларининг кассаларидан фойдаланилади.

Пул ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқи партия ташкилотининг котибига, у бўлмаган ҳолларда эса котибнинг ўринбосарига, шунингдек пул операцияларини юритиш учун вакил қилинган шахсга берилади (бу шахс партком (бюро) мажлисида ёки коммунистларнинг йиғилишида тасдиқланади), у билан шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

6. Смета моддалари бўйича маблағни сарфлаш тартиби партком, партбюро ёки коммунистларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Жорий йилда фойдаланилмаган маблағ келгуси йилда фойдаланиш учун бошланғич партия ташкилоти ихтиёрида қолдирилади.

Давлат банкида ёки жамғарма банкида ўз ҳисоб варақасига эга бўлган бошланғич партия ташкилотида пул маблағининг сарфланишини ҳисобга олиш «Пул маблағини ҳисоблаш дафтари»да юритилади. Пул маблағининг тушиши ва сарфланишини исботловчи ҳужжатлар бошланғич партия ташкилотида сақланади ва молиявий операцияларни юритиш учун масъул бўлган шахс алмашган тақдирда далолатнома билан топширилади. Молиявий ҳужжатлар уч йил сақланади, ҳисоб-тўлов ведомостлари ва иш ҳақи карточкалари (ҳисоб варақалари) кўрсатилган муддат тугаганидан кейин ҳужжатхонада сақлашга топшириш учун шаҳар, район партия комитетларига топширилади.

Шаҳар, район партия комитетларининг кассасидан фойдаланувчи бошланғич партия ташкилотлари маблағининг ҳисоб-китоби тегишли шаҳар, район партия комитетида юритилади, бу ерда ҳар бир партия ташкилоти учун карточка тутилиб, тушум манбалари ва маблағ сарфлаш соҳалари бўйича пул миқдори кўрсатилади.

Партия ташкилотларининг котиблари ўз ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятидан коммунистларни мунтазам хабардор қилиб турадилар.

7. Бошланғич партия ташкилоти бўлган анжомлари ва асосий маблағи бошланғич партия ташкилоти томонидан тасдиқланган моддий жавобгар шахс томонидан сақланади ва у бунинг учун масъулдир, бу шахс билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Анжомлар ва асосий маблағнинг ҳисоб-китоб варақаси тегишли шаҳар, район партия комитетларида юритилади.

8. Заруратга қараб партия ташкилотлари фойда келтирадиган хўжалик фаолиятида ишлатиш учун ўз молиявий ресурсларини бирлаштиришлари мумкин, бу фаолият сиёсий иш манфаатларига ва амалдаги қонунларнинг талабларига зид бўлмаслиги шарт.

Юқори партия комитетлари партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан мунтазам назорат қилиб турадилар, амалдаги қонунларга мувофиқ амалий ва методик ёрдам берадилар.

9. Бошланғич партия ташкилотлари даромад ва харажат сметасининг ижроси тўғрисида шаҳар, район партия комитетларига ҳар ярим йилда белгиланган муддатда ҳисобот тақдим этадилар. Назорат (тафтиш) комиссиялари тузилган партия ташкилотлари ҳисобот билан бир вақтда тафтиш далолатномасини тақдим этадилар.

Шаҳар, район партия комитетлари ва тегишли партия ташкилотларининг назорат (тафтиш) комиссиялари, одатда партия аъзолик бадалларини тўлашнинг аҳволини текширган пайтда бошланғич партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини йилига камида бир марта тафтиш қиладилар.

Газетхонларга

Эътиборингизга ҳавола этилаётган Низом лойиҳаси КПСС XXVIII съезднинг топширувига мувофиқ тайёрланган. КПСС Марказий Комитетининг Котибияти ва Марказий Назорат Комиссиясининг Раёсати коммунистлардан ҳамда ушбу ҳужжатга қизиққан барча кишилардан ўз мулоҳазаларини ва таклифларини бевосита КПСС Марказий Комитетига ёки Марказий Назорат Комиссиясига, ёхуд бошқа партия комитетига юборишни сўрайди.

Лойиҳа

КПССда МУНОЗАРАЛАР ВА РЕФЕРЕНДУМЛАР ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. КПСС Уставига мувофиқ жамоат ва партия турмушининг долзарб масалалари юзасидан айрим партия ташкилотлари, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиялари ва умуман КПСС доирасида мунозара ва референдумлар мумкин, улар партиялилар оммаси ҳокимиятини амалда рўёбга чиқариш, партияни демократиялаш, кўпчилик коммунистлар қўллаб-қувватлайдиган асосланган қарорлар қабул қилиш воситасидир.

Мунозара ва референдумлар жамият тараққиётининг, КПСС фаолияти, унинг ички турмушининг энг салмоқли аҳамиятга эга бўлган масалалари юзасидан, муҳим, шу жумладан муқобил қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўтказилади. Референдум юқори ва қуйи партия органи ўртасида вужудга келган баҳсли масалани ҳал этиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

2. Мунозара ва референдумлар (умуман КПСС ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияси бўйича умумпартиявий, мухтор жумҳуриятларнинг жумҳурият, шунингдек ўлка, вилоят, округ, шаҳар, район партия ташкилотида — маҳаллий мунозара ва референдумлар) тегишли раҳбар ёки ижроия органнинг ташаббусига биноан, шунингдек тегишли партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ўтказилади. Референдум тўғрисидаги масала ўртага қўйилганида, башарти бу талабларни тегишли партия ташкилотлари аъзоларининг камида ярмиси ёки уларнинг раҳбар органлари қўллаб-қувватлаган тақдирда, улар қабул этилган ҳисобланади.

3. Раҳбар ёки ижроия органи мунозара ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганида муҳокамага қўйиладиган масалани таърифлайди, унинг мазмунини очиб берадиган асосий фикрни коммунистларга тақдим этади, мунозара давомида тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ва натижаларни умумлаштириш соҳасидаги ишни ташкил қилиш учун партия органининг қарорига биноан комиссия тузилади, унга маҳаллий партия ташкилотларининг ва турли ҳаракат дастурларининг намояндалари киритилади.

4. Мунозараларнинг ўтказилишини партия ташкилотлари таъминлайдилар. Мунозарага қўйилган масалалар партия йиғилишлари (конференциялари)да, партия комитетларининг мажлисларида, шунингдек бошқа шаклларда муҳокама қилинади. Бунда партия клублари, назарий семинарлар, мунозара марказлари тузилиши мумкин, коммунистлар мунозара вақтида ҳаракат дастурлари бўйича бирлашишга ҳақлидирлар.

Партия ташкилотлари мунозарада КПСС аъзоларининг ҳам, партиясизларнинг ҳам бемалол иштирок этишини таъминлайдилар. Мунозаранинг ҳар бир қатнашчиси ўз фикрини партия йиғилишида, партия матбуотида, бошқа оммавий ахборот воситаларида айтиш, ўз таклифи ёки мулоҳазасини хоҳлаган партия органига юбориш, барча муқобил таклифлар билан танишиш, зарур маслаҳат ёки изоҳ олиш ҳуқуқига эгадир.

5. Партиянинг оммавий ахборот воситалари муҳокама этилаётган ҳужжатларни, шунингдек мунозара қатнашчиларининг фикрлари, таклифлари ҳамда мулоҳазаларини, партия ташкилотларининг шу масалаларга оид материалларини эълон қиладилар, мунозаранинг боришини ёритадилар, унинг якунлари ҳақидаги хабарни эълон қиладилар.

Умумпартиявий мунозарага қўйилган масалаларга оид материаллар (КПССда) «Правда» газетасида ва КПСС Марказий Комитетининг бошқа нашрларида, шунингдек маҳаллий партия матбуотида эълон қилинади.

6. Партия комитетлари, партиянинг оммавий ахборот воситалари мунозара қатнашчиларининг айтган фикрлар, таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштирадилар ҳамда уларни мунозара эълон қилган партия органи тузган комиссияга топширадилар.

Комиссия тушган материаллар асосида мунозара натижаларини батафсил баён қилади ва уларни партия органига тақдим этади. Умумлашма тарзидаги бу натижалар партия матбуотида эълон қилинади. Комиссия мунозаранинг бориши ва руҳи тўғрисида кенгроқ тасаввур олиш мақсадида социология тадқиқоти (саволжавоб) ўтказиши мумкин.

Партия органи мунозара якунларини муҳокама этади, улар юзасидан қабул этилган қарорларни коммунистларга маълум қилади.

КПССдаги умумпартия мунозарасининг якунлари КПСС съездида, КПСС Бутуниттифоқ конференциясида ёки Марказий Комитет билан Марказий Назорат Комиссиясининг бирлашган пленумида кўриб чиқилади, бу ҳақда КПСС аъзолари хабардор қилинади.

7. Раҳбар ёки ижроия органи референдум тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилганида шу масалага оид қарорида референдумни ўтказиш муддатларини, ҳужжат лойиҳаси (лойиҳалари)нинг номини ёки жамоат, ёхуд партия турмушининг референдумга қўйиладиган аниқ масаласини, референдум ўтказиш ва тегишли комиссияларни тузиш тартибини кўрсатади.

Референдумнинг бошлаш уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг кўпи билан бир ойдан кейин ва икки ойдан кечиктирмай тайинланади.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги хабар уч ойлик муддатда коммунистларга маълум қилинади. Ахборотда референдумни ўтказиш муддатлари, ҳужжатлар лойиҳаларининг тўла матни ёки овозга қўйиладиган масаланинг мазмуни кўрсатилади.

Референдумга қўйилган масалалар дастлабки тарзда ушбу низомга мувофиқ мунозара учун кўзда тутилган тартибда муҳокама қилиниши лозим (4 ва 5-бандлар).

8. Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш учун қуйидаги комиссиялар:

— КПССда референдум ўтказувчи марказий комиссия;

— Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартиясининг комиссияси;

— Автоном жумҳурият партия ташкилотининг, ўлка, вилоят, округ, район, шаҳар партия ташкилотининг комиссияси;

— бошланғич партия ташкилотининг комиссияси тузилади.

Комиссиялар референдум ўтказилишидан кечи билан бир ой аввал тегишли партия ва назорат органларининг қўшма пленумларида тузилади, раис, унинг ўринбосари ва котиб комиссиянинг мажлисида сайланади.

(Давоми учинчи бетда).

КПССда МУНОЗАРАЛАР ВА РЕФЕРЕНДУМЛАР ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давомн. Бошн иккинчи бетда).

9. КПССда референдум ўтказувчи марказий комиссия:

— Референдумни ўтказишга тайёргарликнинг боришини назорат қилади, уни уюштириш масалаларини кўриб чиқади;

— бюллетенларнинг намунасини, бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, уларни тайёрлаш ва сақлаш тартибини белгилайди;

— референдумни ўтказувчи комиссияларнинг нотўғри ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқади, улар юзасидан узил-кесил қарорлар қабул қилади;

— овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколларни тақдим этиш тартибини белгилайди;

— референдумда овоз бериш натижаларини аниқлайди ва бу натижаларни партия матбуотида эълон қилади.

10. Иттифоқдош жумҳурият Компартиясининг, мухтор жумҳурият партия ташкилотининг, ўлка, вилоят, округ, район, шаҳар партия ташкилотининг комиссияси:

— иттифоқдош жумҳурият Компартиясида ва тегишли партия ташкилотларида референдум ўтказиш пайтида марказий комиссия вазифасини бажаради;

— овоз бериш учун бюллетенлар тайёрлашни ҳамда уларни бошланғич партия ташкилотларининг комиссияларига юборишни таъминлайди;

— партия ташкилотларининг шароитларини ҳисобга олиб, уларнинг овоз бериш тартиби хусусидаги таклифларини кўриб чиқади ҳамда шу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— қуйи комиссияларнинг нотўғри ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— референдумда овоз беришни ўтказиш муддатларига риоя этилишини, референдум тайинланган пайтда белгиланган бошқа талабларнинг бажарилишини назорат қилади;

— референдумда тегишли партия ташкилотида овоз бериш якунларини чиқаради ва бу якунларни юқори комиссияга маълум қилади.

Бошланғич партия ташкилотининг комиссияси:

— референдумда овоз бериш учун КПСС аъзоларининг рўйхатини тузади;

— овоз бериш ўтказиладиган жой ва вақтдан КПСС аъзоларини хабардор қилади;

— овоз бериш учун бинолар тайёрланишини таъминлайди;

— бошланғич партия ташкилотида овоз беришни уюштиради;

— бошланғич партия ташкилотида референдумни тайёрлаш ва овоз беришни уюштириш масалалари хусусидаги ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— референдумда овоз берилганида овозларни санаб чиқади ва натижаларни юқори комиссияга тақдим этади.

15 кишигача аъзо бўлган партия ташкилотларида партия ташкилотининг котиби ва унинг топшириғига биноан коммунистлардан бири комиссия вазифасини бажариши мумкин.

12. Комиссияларнинг мажлисларида улар таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда, улар ваколатли бўлади. Қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул этилади. Комиссиянинг қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзининг алоҳида фикрини айтишга ҳақлидир, бу алоҳида фикр ёзма тарзда протоколга илова қилинади.

Комиссиялар ошкора ва рўй-рост ишлайдилар, уларнинг мажлисларида партия ташкилотларининг, матбуот, радио ва телекўрсатув вакиллари қатнашишга ҳақлидирлар.

13. Овоз бериш учун бюллетенга референдумга қўйилган қарор лойиҳаси ёки бошқа масаланинг номи ёзилади. Бюллетенга қарор лойиҳасининг КПСС аъзолари фикрини аниқлаш лозим бўлган айрим қондалари ҳам киритилиши мумкин. Ҳамма ҳолларда ҳам бюллетенга жавобнинг икки нусхаси: «Ҳа» ва «Йўқ» деган нусхалари киритилади.

14. Референдум бошланғич партия ташкилотларида тегишли комиссиялар белгилаган кунларда ва соатларда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

КПССнинг ҳар бир аъзоси шахсан овоз беради, бошқалар учун овоз берилишига йўл қўйилмайди. Бюллетенлар рўйхат асосида партия билети кўрсатилганидан кейин берилади. Референдум қатнашчиси овоз бериш учун бюллетенни тўлдирганида ундаги жавоб нусхаларидан бирини ўчириб, «Ҳа» ёки «Йўқ» сўзини қолдиради ва бюллетенни овоз бериш учун қутига ташлайди.

15. Овоз бериш учун қутиларни бошланғич партия ташкилотининг комиссияси овоз бериш тугаганидан кейин очади. Қутилардаги бюллетенлар асосида комиссия: овоз беришда қатнашган КПСС аъзоларининг умумий сонини; референдумга қўйилган қарор лойиҳаси ёки бошқа масалани қабул қилиш учун «Ҳа» деб берилган овозлар сонини ва «Йўқ» деб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Белгилаб қўйилмаган нусхадаги бюллетенлар, шунингдек референдум қатнашчисининг фикрини аниқлаб бўлмайдиган бюллетенлар ҳақиқий эмас, деб топилади. Бюллетеннинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масала комиссия томонидан овоз бериш йўли билан ҳал этилади.

Бошланғич партия ташкилотида овоз бериш натижаси протоколга ёзилади, бу протокол овоз бериш тугаганидан кейин бир кеча-кундуз мобайнида юқори комиссияга топширилади. Тушган ариза ва шикоятлар, шунингдек улар юзасидан комиссиянинг қарори протоколга илова қилинади.

16. Бошланғич партия ташкилотлари комиссияларининг протоколлари асосида юқори комиссиялар шаҳар, район, округ, вилоят, ўлка партия ташкилотларида, автоном жумҳуриятнинг жумҳурият партия ташкилотларида, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларида овоз бериш якунларини чиқарадилар ва уларни белгиланган нусхадаги протоколлар билан расмийлаштирадилар.

Юқори комиссиялар референдумни тайёрлаш, овоз бериш давомида ёки овозларни ҳисоблаш пайтида йўл қўйилган хатолар сабабли партия ташкилотидаги овоз беришни ҳақиқий эмас, деб топишлари мумкин.

17. Референдум натижаларини мазкур референдумни ўтказувчи тегишли комиссия белгилайди. Референдум якунлари тўғрисидаги ахборот, шунингдек овоз бериш йўли билан қабул этилган қарор матни ёки референдумга қўйилган масаланинг мазмуни референдум тугаганидан кейин етти кун ичида партия матбуотида эълон қилинади.

Ташкилот аъзоларининг ярмидан кўпроғи қўллаб-қувватлаган қарорлар тегишли партия органлари ва ташкилотлари учун мажбуриийдир.

18. КПССда мунозара ва референдумлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли партия органларининг партия бюджети ҳисобидан қилинади.

ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК

М. С. Горбачевнинг Мадридга ташрифи

Мадриднинг Барахас аэропортида ССЖИ ва Испания Давлат байроқлари ҳилпираб турибди. — Испания қироли Хуан Карлос I таклифига биноан ССЖИ Президенти М. С. Горбачев 26 октябрь куни бу ерга уч кунга расмий ташриф буюрди. Унга Э. А. Шеварднадзе, Л. А. Воронин, Н. А. Назарбоев, А. С. Черняев, С. К. Романовский ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Самолёт пиллапояси ёнида Совет Президентини Испания ҳукуматининг Раиси Фелипе Гонсалес, ташқи ишлар вазири Франсиско Фернандес Ордоньес, Испаниянинг ССЖИдаги элчиси Хосе Куэнка, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Сўнгра Совет раҳбари ва унга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар Испаниянинг алоҳида мўътабар меҳмонларига ажратилган қароргоҳ — Пардо саройига йўл олдилар, расмий кутиб олиш маросимини шу ерда ўтказиш режалаштирилган. М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева у ерга машинада, унинг ҳамроҳлари эса вертолётда жўнаб кетадилар.

Машиналар карвони Мадрид кўчаларидан ўтиб бораётганида Совет давлатининг бошлиғини пойтахт аҳолиси самимий табриклаб турди.

Совет раҳбари Испанияда самимият ва дилхушлик билан кутиб олинаётганининг яна бир боиси ССЖИ Президентининг испанлар орасидаги машҳурлигидир. У Испаниядаги энг мўътабар мукофот — Қирол Хуан Карлос I нинг ўғли, тахт вориси Астурия шаҳзодаси мукофотининг соҳибидир. Халқаро ҳамкорлик ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик соҳасидаги катта хизматлари учун унга мана шу мукофот берилган.

Пардо саройида М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевани Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича София кутиб оладилар. ССЖИ ва Испаниянинг Давлат мадҳиялари ижро этилади, артиллерия салюти гумбурлайди. Совет Президенти билан Испания қироли қирол гвардияси фахрий қоровули сафини айланиб ўтадилар. Сўнгра М. С. Горбачев ва Хуан Карлос I рафиқалари билан биргаликда махсус минбарга чиқадилар. Тантанали кутиб олиш маросимидан кейин иккала давлат раҳбарларининг қисқача суҳбати бўлди.

Ташриф режаси жуда тиғиз. Мухтасар расмий кутиб олиш маросимидан кейиноқ Совет — Испания музокаралари бошланди. Музокараларнинг моҳияти — ўзаро манфаатли ҳамкорликдан иборат. Испания ҳукумати бошлиғининг қароргоҳи — Монклоа саройида М. С. Горбачевнинг Ф. Гонсалес билан суҳбати бўлди. Айни вақтда Испания ташқи ишлар вазирлигида ташқи ишлар вазирлари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.

Тушдан кейин М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева Мадрид шаҳар маҳкамасига бордилар. Шаҳар алькальдаси (ҳокими) Агустин Родригес Саагуннинг нутқидан кейин олий мартабали меҳмонга шаҳар калитини топшириш маросими бўлди. М. С. Горбачев жавоб нутқи сўзлади.

Испания пойтахтининг қоқ марказида Бош кортеслар (парламент)нинг муҳташам биноси жойлашган. Ў ерда кортеслар иккала палатасининг раислари Феликс Понс билан Хуан Хосе Лаборда Мартин Совет Президентини кутиб оладилар.

Парламент қуйи палатаси — депутатлар конгрессининг янги биносида унинг раиси Ф. Понс билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Кечқурун Испания қироли ва қиролича София номидан ССЖИ Президенти ва Р. М. Горбачева шарафига расмий зиёфат берилди.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев Мадрид шаҳрида Испания Компартиясининг Бош котиби Хулио Ангита билан учрашди.

Самимий дўстона суҳбатда кўп масалалар, шу жумладан Совет Иттифоқидаги ўзгартишлар, Испания Компартиясининг янги босқичда «Бирлашган сўллар» уюшмаси таркибидаги фаолияти тилга олинди.

Европада рўй бераётган чуқур ижобий ўзгаришлар асосида Ўрта денгиз муаммоларини ҳал этишда қолоқликка йўл қўйилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

М. С. Горбачев ва Х. Ангита партиялар ўртасида алоқаларни давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар, икки мамлакат, Европа ва жаҳон манфаатлари йўлида совет-испан ҳамжиҳатлигини чуқурлаштиришга кўмаклашиш учун тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Суҳбатда Испания Коммунистик партияси Сиёсий комиссиясининг аъзоси, Марказий Комитет котиби В. Палеро қатнашди.

(ТАСС, 27 октябрь).

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг 26 октябрь куни бўлган мажлисида Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат режаси ва жумҳурият давлат бюджетининг ўтган тўққиз ойда бажарилиши якунлари Қашқадарё вилояти ва Ўзбекбирлашув мисолида кўриб чиқилди.

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРНИ КЎПАЙТИРИБ, МУАММОЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАЛ ҚИЛАЙЛИК

Жумҳуриятда ҳосил қилинган миллий даромад 8,7 фоиз, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти 2,7 фоиз ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 18,6 фоиз кўпайганлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳада ҳам натижаларга эришилди. Олий ўқув юртларининг талабалари, техникумлар ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдори оширилди, якка тартибда уй қуриш учун қарз беришга 552 миллион сўм ажратилди. Жумҳурият қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш режалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Шу билан бир вақтда жумҳуриятда маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси шу йилнинг биринчи ярмида эришилган даражадан пасайиб кетди, етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми кўпайди. Ҳар беш корхонадан бири шартномавий мажбуриятларни бажармади, 278 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Бунинг сабабларидан бири халқ хўжалиги тармоқларининг моддий-техника таъминоти қониқарсизлигидир. 1991 йилга хўжалик шартномалари тузиш иши жуда суст бормоқда, тармоқлар ва ҳудудлар бозор муносабатлари шароитида ишлашга тайёргарлик кўришда фаоллик кўрсатмаётирлар.

Ана шу камчиликларнинг ҳаммаси Қашқадарё вилоятининг халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳасига ҳам хосдир. Вилоят ижроия комитети бозор муносабатларига ўтиш чоғида кўпгина муаммоларни ҳал қилиш учун асосий шарт сифатида иқтисодиётни барқарор қилиш ва соғломлаштириш йўлида ўз резервларидан етарли фойдаланмаяпти. Бу ерда раҳбарларнинг, айниқса маҳаллий кенгашлар раҳбарларининг ташаббускорлиги ва билимдонлигини оширишга, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, фан-техника тараққиётини, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, структурага доир сиёсатдаги ва ижтимоий сиёсатдаги бузилишларни тугатишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг мажлисида Ўзбекбирлашув шанига асосли эътирозлар айтилди. Тармоқнинг моддий-техникавий базасини ривожлантиришда, товар оборот ва фойдани кўпайтиришда ижобий силжишлар борлигига қарамай, бу соҳада ҳал этилмаган муаммолар ҳамон оз эмас. Қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичининг пастлиги биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан биридир.

Матлубот кооперацияси ходимлари тақчиллик юз берганига қарамай, молларни жумҳуриятдан ташқарига жўнатишни давом эттирмоқдалар. Матлубот кооперациясида истеъмол бозорини кундалик зарур моллар билан тўлдириш резервларидан етарли фойдаланилмаяпти. Тармоқдаги камчиликлар орасида ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда Ўзбекбирлашув ходимларининг лоқайдлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Қарор матбуотда эълон қилинади.

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши «1991 йилда валюта фондларини тузиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Жумҳуриятнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистон халқ хўжалигини сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилашга, соғлиқни сақлаш, уй-жой комплекси, фан ва маданият умумжумҳурият дастурларини кенгайтиришга, пировард натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш асосида жумҳурият аҳолиси фаровонлигини ўстиришга ва ички бозорни мўлкўл таъминлашга қаратилган.

Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жумҳурият валюта фондларига муҳим ўрин берилади. Валюта фондлари Ўзбекистон ССЖнинг маҳсулот экспорт қилувчи корхоналари ва ташкилотларининг валюта ажратмалари ҳисобига тузилади.

Қарор билан тасдиқланган янги тартиб валюта фондларига ажратмаларнинг мавжуд қоидаларидан тубдан фарқ қилади.

У қуйидагилардан иборат: жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан барча корхоналар ва ташкилотлар қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар валюта тарзида олинадиган фойданинг 25 фоизини умумдавлат (Иттифоқ) эҳтиёжларини пул билан таъминлаш учун Иттифоқ бюджетига ўтказадилар. Жумҳуриятлар ана шу эҳтиёжларни Иттифоқ ихтиёрига ўтказадилар. Масалан, армияни сақлаш, четдан дон харид қилиш, космик дастурларни ва бошқа хил дастурларни маблағ билан таъминлаш шулар жумласиндандир. Валюта ажратмаларининг илгари амал қилган тартиби қайси тармоққа қарашли эканига кўра, Иттифоқ бюджетига ажратмаларни табақалаштиришга асосланади. Чунончи, Давлат қишлоқ хўжалиги кооператив комитети корхоналаридан Иттифоқ бюджетига ажратмалар 30 фоизни, Енгил саноат вазирлиги бўйича 50 фоизни, Бинокорлик материаллари вазирлиги бўйича 40 фоизни ташкил этарди. Узбекистон ҳудудидаги Иттифоқ корхоналари валюта тарзида олинадиган фойданинг 5 фоизини маҳаллий Советлар (Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ва шаҳар ижроия комитетлари)га ажратар эди. Бироқ янги қабул қилинган қарор жумҳуриятманфаатларига амал қилиб, Иттифоқ бюджетига 25 фоиз, жумҳуриятвалюта фондига («Узглавлегснабсбит» номенклатурасидан ташқари) 25 фоиз, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг заҳира (фавқулодда) фонди 10 фоиз, маҳаллий кенгашларга 15 фоиз ҳамда маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга 25 фоиз ажратмаларнинг ягона нормативини белгилаб беради.

Мазкур фонд фавқулодда ҳолатларда халқ хўжалигининг турли жабҳаларидаги аҳволни нормал изга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши зарур. Шу мақсадда жумҳуриятда валюта тарзида олинадиган фойданинг 10 фоизи миқдорида Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг заҳира (фавқулодда) фонди тузилмоқда. Ушбу фонддан қутилмаган вазиятларда, масалан, қурғоқчилик, зилзила рўй берган, ҳосил битмаган пайтларда, четдан ғалла, гўшт, дори-дармон ва шу сингарилар сотиб олинган чоғда, ички бозорни таъминлаб туриш ва шу кабилар учун фойдаланилади. Ҳособот йили тугаши билан заҳира (фавқулодда) фондининг фойдаланилмаган чет эл валютаси маблағлари миқдори ўз-ўзидан муайян мақсадда фойдаланиш ҳуқуқи билан келгуси йилга ўтказилади. Заҳира фондининг тўпланган маблағларидан фойдаланилмаган (ундан фойдаланиш зарурати бўлмаган) тақдирда келгуси авлод учун олтин валюта ҳазинасига айланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар демократиялашаётган шароитда валюта ажратмалари воситаси рақобат бардош молларни экспорт учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, Ўзбекистон молларини реклама қилишни рағбатлантириши муҳимдир. Шунинг учун Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарорида пландан ташқари (давлат буюртмаси ва шартнома мажбуриятларидан ташқари) маҳсулот етказиб берилганлиги учун тушаётган валюта тарзидаги фойданинг 90 фоизи вилоятларда қолиши кўзда тутилган. Бу эса, биринчидан, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнинг манфаатдорлигини ошириш, иккинчидан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини мустақил ҳал этиш имконини беради.

Қарор, валюта маблағларини ўз хоҳишига кўра (меҳнат жамоаларининг қарорига биноан) сарфлаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини сўзсиз кенгайтириш имконини беради. Бундан ташқари, колхозлар, совхозлар ва пахта экадиган бошқа хўжаликлар маҳсулот етказиб берувчи асосий ташкилот ҳисобига тушадиган валюта тушумларининг 80 фоизини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Валюта тушумини ўтказиш воситаси қуйидагилардан иборат: валюта тушуми ташқи иқтисодий ташкилотлар (бевосита четга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ташқи иқтисодий алоқа қатнашчилари) ҳисобига тушади, валюта тушиши билан ташқи иқтисодий ташкилот валюта тушумининг 25 фоизини Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банкидаги махсус ҳисобга ва кейинчалик уни Иттифоқ бюджетига ўтказади. Иттифоқ бюджетига ажратмалар ўтказиш муддатлари эксперт маҳсулот етказиб берганлик учун валюта тушумларига қараб белгиланади. Ўз навбатида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий банки қарорга биноан Ўзбекистон ССЖ, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва маҳсулот етказиб берувчи корхоналар фондларига мижознинг топшириғига кўра, бевосита ажратмалар ўтказади.

Хўжалик юритиш амалиётида маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар валютанинг тегишли миқдорини юқори идораларга ўтказишдан бўйин товлаш учун ўзларининг валюта маблағларини яширган ҳоллар кузатилганлигини эътиборга олиб ва бундай ҳолларни истисно этиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг қарорида муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун валюта тушумининг 0,2 фоизи миқдорида жарима солиш йўли билан жазо чоралари қўлланиши кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисидан

БУРИЛИШ ДАВРИДА МОҲИРОНА ИШЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил октябрь Пленуми партия турмушида сезиларли воқеа бўлди. Партия XXVIII съездидан кейин ўтказилган мана шу биринчи Пленум аввало энг ҳаётий муҳим масала — мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари хусусидаги нуқтаи назарни аниқ белгилаб берганлиги билан ҳам эътиборни ўзига тортди.

Партия Марказий Комитети социалистик йўл доирасида аввало одамларнинг турмушини яхшилашни, уларнинг ташаббуси ва амалий ишчанлигига тўла эрк берилишини таъминлашни, юксак самарали меҳнатни пишиқ-пухта рағбатлантирадиган ва унга қизиқтирадиган аниқ омиллар яратишни бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий маъноси деб билаётганини айтди. Шу билан бирга истеъмол бозоридаги аҳволни қиқин вақт ичида ўзгартириш, энг зарур моллар етишмаслигини бартараф этиш биринчи галдаги вазифа сифатида ҳал қилиниши лозим.

Пленум қарорлари партия, ҳар бир бошланғич ташкилот олдига ўтиш даврида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни нормаллаштириш, КПСС XXVIII съездининг сиёсий йўлини ўтказишдаги лоқайдлик ва иккиланишларни бартараф этиш соҳасида сабот билан иш олиб бориш мақсади турганини таъкидлади. Бозор муносабатларига ўтишнинг ижтимоий қадр-қиммати — жуда муҳим масаладир. Ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг барча поғоналарида бозор муносабатларига ўтишнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатлари атрофлича чамалаб кўрилиши ва башорат қилинишини, бурилиш даврида муқаррар бўлган нуқсонларни имкони борича камайтиришни бенизоя муҳим вазифа деб ҳисоблади.

Хўш, Пленум қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ташкилий-сиёсий тадбирларнинг КПСС Марказий Комитети Котибияти муҳокамасига тақдим этилган режасида мана шу йўл-йўриқлар қай даражада акс эттирилган? Пленумнинг мамлакатдаги ишларнинг аҳволини тезроқ барқарорлаштириб олиш мақсадида коммунистлар, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишн ташлади.

Шу масалани муҳокама қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг котиблари О. Д. Бакланов, А. Н. Гиренко, А. С. Дзасохов, В. А. Купцов, Е. С. Строев, В. М. Фалин, О. С. Шенин, Г. И. Янаев, КПСС Марказий Комитети Котибиятининг аъзоси И. И. Мельников, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари И. К. Полозков, Ю. А. Прокофьев, И. Т. Фролов, КПСС Марказий Назорат Комиссияси Раисининг биринчи ўринбосари Е. Н. Махов, «Диалог» журналининг бош муҳаррири В. Д. Попов тақдим этилган режанинг бўлимларини таҳлил қилдилар. Улар бозор муносабатларини ривожлантиришга, бозор-мамлакатни ва жамиятни инқироздан халос этиш йўли, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ходимлар ишлаб чиқариш воситаларидан ва меҳнат натижаларидан сунъий равишда бегоналаштирилишини бартараф қилиш имконияти эканини одамлар тушуниб олишига қаратилган бир қанча амалий мулоҳаза ва таклифларни айтдилар.

Режанинг ҳар бир бўлими хусусида қизғин мунозара бўлди. Таклиф этилган дастурнинг ҳамма бандлари зўр қизиқиш билан, баъзан эса тетиқ котиблари ва аъзоларининг меҳнат коллективларидаги учрашувларини, зиёлилар, партия ва совет фаоллари билан учрашувларини ўтказиш, Марказий Комитет Котибиятининг мажлисларида мамлакат коммунистларини, барча фуқароларини социалистик йўл, демократия ва инсонпарварлик ғоялари, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ғоялари теварагида жипслаштириш муаммолари билан боғлиқ бўлган бир қанча долзарб масалаларни кўриб чиқиш белгиланган.

Ишсизликнинг олдини олиш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришнинг ягона давлат системасини вужудга келтириш зарур, аҳолининг кам даромадли табақаларига, айниқса, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларга, кўп болали оилаларга мадад берилиши лозим. Айниқса энг зарур молларнинг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш чораларисиз ва пулнинг қадрсизланишига қарши чораларсиз ҳам иш кўриб бўлмайди. Партия мана шу энг зарур вазифаларни ҳал этиш марказида бўлиши кераклиги Котибият мажлисида таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятти Пленум топширувини бажариб, бозор муносабатлари масалалари юзасидан партиявий тарғиботни ахборот билан таъминлаш ва оммавий-сиёсий ишни яхшилашга оид аниқ ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқди.

Марказий Комитет Котибияти оммавий ахборот воситаларида КПССнинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш сиёсатини холисона, ҳаққоний ёритиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Матбуот жамиятда фуқароларнинг иноқлиги ва миллий иноқлик муҳитини шакллантириш, тартиб ва интизомни, бунёдкорлик меҳнатини зўр бериб тарғиб қилиши, мамлакат ва жамиятнинг инқироздан қутилишига кўмаклашиши лозимлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг топширувига биноан Котибият мажлисида партия матбуотини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш тадбирлари кўриб чиқилди. Партия нашриётлари таркибига кирадиган газета ва журналлар таҳририятларининг ҳуқуқлари, иқтисодий мустақиллиги 1 ноябрдан бошлаб анча кенгайтирилади, уларни бошқариш демократиялаштирилади. Бундан бўён фойда ҳисобидан ҳосил бўладиган ва таҳририят ихтиёрида қолдириладиган хўжалик ҳисоби даромади, шу жумладан ҳозирги вақтда таҳририят жамғармасига, иш ҳақи ва муаллифлик қалам ҳақи жамғармасига сарфланадиган маблағлар партия нашрлари иқтисодий мустақиллигининг асоси бўлиб қолади.

Мазкур хўжалик ҳисоби даромади доирасида газета ва журналларнинг таҳрир ҳайъатларига таҳририятлар тузилиши ва штатларини, ходимларнинг мансаб маошларини мустақил белгилаш, шунингдек муаллифлик қалам ҳақи жамғармасининг миқдорини белгилаш, уни газета ва журналларнинг сонларига тақсимлаб қўйиш ҳуқуқи берилди. Штатдаги ходимларга қалам ҳақи тўлаш соҳасида мавжуд чеклашлар бекор қилинди. Хўжалик ҳисоби даромадининг йил охиридаги қолдиғи олиб қўйилмайди ва келгуси йилга ўтказилади.

КПСС Марказий Комитетининг Котибиятида кадрларга оид бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(«Правда — ТАСС).

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Афғонистон Жумҳурияти Бош вазирининг ўринбосари А. В. Саробий бошчилигидаги Афғонистон ҳукумат делегацияси Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлиб турибди. Делегация Совет — Афғонистон учрашувида иштирок этиш учун Тошкентга келди. Учрашувда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ССЖ вакиллари ҳам иштирок этадилар.

26 октябрь куни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳуриятлараро Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси билан Афғонистон делегацияси ўртасида дастлабки музокаралар бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги тўрт йиллик дўстлик муносабатларининг катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Ўзаро фойдали асосда савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа хил алоқаларни янада ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳуриятлараро Ташқи ишлар вазири С. О. Азимов, ССЖИнинг Афғонистон Жумҳуриятидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Н. Пастухов, Афғонистон Жумҳуриятининг ССЖИдаги фавқулодда ва мухтор элчиси М. Д. Размёр, Афғонистон Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули Ғ. Ҳ. Хамгар, Ўзбекистон ССЖ Давлат ташқи савдо ва чет мамлакатлар билан алоқа комитетининг раиси А. Маҳмудов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ШАҲАР КЕНГАШИДА ҚАБУЛ

26 октябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков Мўғилистон Халқ Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули Б. Будуни шу лавозимга тайинланганлиги муносабати билан қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ)

«Бобурнома»нинг 460 йиллиги

АСРЛАР ЮЗИНИ КЎРГАН АСАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари жаҳон адабиётининг мулкига айланган. Ана шу ажойиб асар яратилганига 460 йил тўлиши шарафига ўтказилган тантаналар Ўзбекистонда чинакам байрамга айланиб кетди.

Навоий номли театрда ўтказилган тантанали кеча ана шу маъракани энг юқори чўққиси бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов кечани кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров Бобур ва унинг асосий асари тўғрисида гапирди. «Бобурнома» шоир адабий меросида ўз ҳажми ва аҳамияти жиҳатидан биринчи ўринни эгаллашини таъкидлади.

Ҳиндистон Жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули Ашок Мукержи кечада сўзлаган ўз нутқида Бобурни икки халқнинг фарзанди деб атади.

Афғонистон Фанлар академиясининг вице-президенти, Қобул дорилфунунининг профессори Асадулло Ҳабиб, покистонлик олим Фаррух Раъно Бобурнинг кўп қиррали ва ёрқин шахс бўлганлигини, унда букилмас ирода билан шоирона орзумандалик уйғунлашиб кетганини қайд этдилар.

Мюнхен дорилфунунининг олими, асли ўзбек Темирхўжа Бобурнинг ватанидан мажбуран айрилгани тўғрисидаги ғазалини ўқиб, гарчи шоир умрининг ярми ватанидан ташқарида кечган бўлсада, у ҳамма вақт туғилиб ўсган диёрини чексиз соғинганлигини таъкидлади.

Олмаоталик таржимон Бойзоқ Кожабеков йиғилганларни қозоқ тилига ўгирилган «Бобурнома» билан таништирди. У ўзбек ёзувчиларига маърака арафасида Қозоғистонда нашр этилган ана шу китобини совға қилди. Тожикистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Аҳрор Мухторов Шарқ халқлари учун «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Кечада Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

ЎзТАГ мухбири.

Андижон. Бобур уй-музейида шоирга ўрнатилган ёдгорлик.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЯКШАНБА САҲИФАСИ

Хотира

Беназир санъаткор Аброр Ҳидоятовни тез-тез эслаб тураман. Унинг алоҳида кўркам гавдаси, томоша залининг илк қаторларидан галереягача бир хилда тиниқ эшитиладиган, ноёб овози хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган. У табаррук зотни ўйлаганимда икки йил санаси ва уч кун кўз олдимдан ўтаверади.

1945 йил. Уша вақтларда ягона академик театримизнинг чорак асрлик юбилейига атаб «Ижодий йўл» номли тўплам чиқарилган эди. Ҳозир ўша нодир тўпламни варақласангиз, ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Бунинг боиси шундаки, ўша даврнинг йирик санъаткорлари билан энг забардаст қалам соҳиблари ўртасида ҳамма ҳавас қилса арзигудек дўстлик, ўзаро эътиқод бўлган экан. Юбилей тўпламига эҳтиросли ҳикоялар, зарур бўлганида ҳар бир санъаткорнинг бўйи-бўйига тенг ёзувчи дўсти борлиги маълум бўлибди. Чунончи, афсонавор Маннон Уйғур ҳақида устозлар устози Ойбек, тоғ бургутидек баҳри кенг Шукур Бурҳон ҳақида Кавказ лочини Мақсуд Шайхзода, бутун вужудидан зиёлилик уфуриб турадиган Олим Хўжаев ҳақида адабиётшунослик илмимиз ва драматургиямиз раҳнамоларидан Иззат Султон, биринчи рақамли актёр Аброр Ҳидоятов ҳақида биринчи рақамли шоир Ғафур Ғулом «Минг бир кеча» каби сеҳр тўла ҳикоялар битишибди.

1956 йил. Жумҳуриятимизда адабиёт, санъат, умуман маданият масалаларини кенг ёритадиган «Совет Ўзбекистони маданияти» ҳафтаномаси ташкил этилиб, Ғафур Ғулом унинг дастлабки таҳрир ҳайъатига аъзо эди. Камина эса ҳафтаноманинг адабиёт ва санъат бўлимида хизматда эдим. Ҳайъат йиғилишларини канда қилмай қатнашадиган Ғафур ака янги-янги мавзулар топиб келар, эътибор берилиши лозим бўлган масалаларни қалаштириб ташларди. Шундай йиғилишлардан бирида «Санъатимизнинг атоқли кишилари» рубрикасини очишни, уни Аброр Ҳидоятов ҳақидаги материал билан бошлашни таклиф этди. Ҳамма бу фикрни маъқуллади. Лекин орадан тўрт-беш ҳафта ўтса ҳам иш юришмаганидан диққати ошган Ғафур ака навбатдаги таҳрир ҳайъати йиғилишидан сўнг бизнинг хонага кириб, Аброр Ҳидоятовга қўнғироқ қилди ва зарур бир иш юзасидан тезда уникига етиб боражагини айтди. Сўнгра менга қараб «Қани кетдик» дея, қатъий буюрди. Кўчага чиққач «Бугунги иш узоқ савдо» дея, шофёрига жавоб берди.

Аброр Ҳидоятовнинг уйи редакциядан 300-400 метр нарида, Хоразм кўчасида (ҳозирги «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг шундоққина орқасида) экан. Хўп замонлар бўлган, жумҳурият раҳбарлари шаҳарнинг қоқ марказида ўн-ўн икки сотих чамаси жойни севимли актёр учун ажойиб мева ва гулларга тўла боғ ҳовли қилиб беришган экан.

Кириб борганимизда Аброр ака аллақачон чойхона паловга киришиб кетган, дастурхон тайёр эди. Ғафур ака унга «Иккимиз газета топширғич билан келган мухбир» эканимизни айтиб, мақсадни маълум қилди. Шоншуҳратга лоқайд Аброр ака эса «Отелло» тўғрисидагина гапирарди, холос.

— Биласанми, Ғафур, — дерди у. — Пушкин агар Отелло саркарда бўлмай қолса, ҳамманинг қалбига ларза сола оладиган тенгсиз шоир бўлиши мумкинлигини айтган экан.

— Мана ўзинг ҳам Отеллони ўйнайдиган актёр бўлмаганингда катта шоир ёки драматург бўлишинг турган гап эди, — дея илиб кетди Ғафур ака. — Ёдингдами «Аваз» пьесасини ёздинг, бирор область театрида қўйилса, ўзим бориб маслаҳат бериб тураман дединг. Мен сенга Ҳамза театрида ўқийлик, ҳамкасбларинг кўришсин, рози бўлишса, бош ролни ўзинг ўйнаб қўя қоласан, дедим. Сен рози бўлдинг. Лекин театрда пьеса ўқилганида актёрларнинг «сан қўй, ман санчаман» деганлари ролларни талашиб қолибди. Сен секингина ўзингни четга олдинг-у, Обид Жалилов билан Шукур Бурҳонов Авазни, Олим Хўжаев билан Наби Раҳимов бойваччани галма-гал ўйнайдиган бўлиб, муросага келишди...

— Ўзинг-ку, актёр зотига дарс берасан, — дерди Аброр ака. — Радиода «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Ўғригина болагинам»га ўхшаш ҳикояларингни ўқибсан. Е, алҳазар, эшитиб ёқамни ушладим, артист зоти бунчалик ўқий олмайди.

Гапдан гап чиқиб, икковлари ҳозирги Навоий кўчасининг икки бекатида — Аброр ака «Дегрезлик»да, Ғафур ака эса «Кўрғонтеги»да туғилганлари, болалик шўхликлари, чивиқдан от ясаб, бу паккадан у паккага шамолдай елиб, бутун атроф-маҳаллаларни бир зумда айланиб чиқишлари ва бошқалар ҳақида коронги кечгача гаплашишди-ю редакция топширғига алоқадор гапларга вақт мусоида қилмади.

Қайтар чоғимиз Аброр ака эртага бошқа ишларни йиғиштириб, мени кутажагини айтди. Эртасига бориб жиддий ва узоқ суҳбатлашдик. Аброр аканинг театрга келиш йўлидаги хавф-хатарлар, ўғлининг актёр бўлмоқчи эканини билиб қолган ота тазйиқлари, бир неча ҳафта саҳнанинг бир бурчагида ётиб тонг оттирилгани, унинг дўсти Сайфи Олимовни эса амакиваччалари ўлдирмоқчи бўлиб, кимсасиз боққа олиб борганликлари, тасодиф натижасида ўлимдан қутулиб қолганлиги ва бошқалар ҳақида, айниқса, театрдаги ҳамкасблар, устозлар, роллар, пьесалар ҳақида, театрнинг машаққатли тараққиёт босқичлари ҳақида гаплашдик.

Мақола тайёр бўлгач, яна бордим. Яна уззу кун суҳбатлашдик. «Келинг мақолангизнинг тўғрилигини тасдиқлаб ҳам берақолай. Лекин авф этасиз, биз янги алифбога кўчганмиз», дея ҳазиллашиб лотин алифбосида имзо чекиб берди: HjdoJaţov.

Материал газетанинг 1956 йил 31 октябрь сонида «Машҳур санъаткор» сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Аброр ака билан қилинган уч кунлик ажойиб суҳбат шундай якун топган эди.

Шариф ЮСУПОВ.

ОТЕЛЛО ИЖОДХОНАСИДА УЧ КУН

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲИКМАТЛАРИ

Луқмони ҳаким ўзидан қолдирган насиҳатлари билан машҳур бўлган. Унинг табаррук сўзларидан қуйидагилар келтириладиким, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган эди:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсинг қуйига кирма, уни қийнашни энг улуғ йўл деб бил, топганингга қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга қўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса алданма!

Эй ўғлим, нима гапирсанг ҳикмат ва насиҳатдан гапир, гапирган гапларингга аввало ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша гапир, одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларни эса бошингга кулфат ва мусибат тушганда сина, ёқимли ишларни амалга оширишга урин, гап гапирсанг дадил ва ҳужжат билан гапир, ёшлигингни ғанимат бил, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, дўстларингни ҳурмат қил, одамларга очиқ юзлилик билан боқ!

Эй ўғлим, ота-онангни доимо ҳурмат қилиб, хизматида бўл, устоз ва муаллимингга жону дилингдан эҳтиром кўрсат, ота-онадан ҳам ҳурматлироқ деб бил, барча ишларда ўртача йўл тут, киримга қараб чиқим қил, сахий бўл, меҳмонни эъзозла, унга ўзинг туриб хизмат қил, бировнинг уйига борганда кўзингни ва тилингни эҳтиёт қил, душмандан бир лаҳза ҳам ғофил бўлма, кам тама бўл, бирор гапни гапиришдан аввал унинг жавобини беришни ўйла, бахил ва такаббур кишилардан узоқ бўл, қаноатни ҳақиқий бойлик деб, ҳисобла!

(М. ҲАСАН нашрга тайёрлаётган «ОДОБНОМА» китобидан).

МУШТАРИЙЛАР ХАТЛАРИДАН

● АНДИЖОН. Йўллар қуриш ва ундан фойдаланиш бошқармасида 40 дан зиёд байналмилалчи жангчилар хизмат қилишади. Яқинда улардан бир гуруҳига 100 сўмдан пул ва қаҳрамон шаҳарларга сафар қилиш учун йўлланма берилди.

Ш. РАҲИМОВ.

* * *

● ФАРҒОНА. Ленинград районидаги Учкўприк қишлоғи кўчаларининг номлари ўзгартирилиб, Спортивная — Усмон Носир, Советская — Ҳамид Олимжон номи билан атала бошланди.

В. РАҲИМОВ.

* * *

● БУХОРО. Ғиждувон пахта тозалаш заводи маданият уйининг «Ёшлик» ашула ва рақс ансамбли пахтакорларга маданий хизмат кўрсатди. Ўзбек, тожик, туркман, ҳинд ва афғонча куй ва тароналар дала меҳнаткашларида яхши таассурот қолдирди.

Т. МАҚСУДОВ.

* * *

● СИРДАРЁ. Райондаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалигида бир йўла 1000 тонна сабзавот ва мева сақланадиган омборхона фойдаланишга топширилди.

Т. ҲОЖИЕВ.

РАССОМ ҲАЗИЛЛАРИ

СЎЗСИЗ СУРАТЛАР. Муаллифлар — Р. АҲМЕДОВ ва А. ҲАКИМОВ.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ТВ: ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ТАРТИБИ

29 октябрь, душанба

УзТВ-I. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Қувноқ болалик. Кинопрограмма. 19.00 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.30 Ахборот. 19.45 Изларингни излайман... 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. Турсунбой Парпиев. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 «Ёшлик» видеоканали.

УзТВ-II. 19.05 Ассалому алайкум. Мусиқий кўрсатув. 20.05 Ҳарбий ислоҳот. Муаммо, изланиш ва ечимлар. 20.45 «Кунгурлик мусаввир». Телефильм. 21.00 Вилоят партия қўмитасининг оддий иш кунлари. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Доврўғ сол, бизнинг ёшлик!». **МТ-I.** 7.00 «120 минут». 9.05 «Жарликлар». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.40 Футбол шарҳи. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.30 Литва камер оркестри чалади. 13.00 Время. 17.00 Педагогика ҳамма учун. 18.00 Болалар соати. 19.00 Время. 19.30 Кичик концерт. 19.40 Биз ва иқтисодиёт. Бозор йўлида. 20.10 «Жарликлар». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Концерт. 23.35 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 9.55 ва 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Итальян тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.05 Ҳужжатли фильм. 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. 13.40 Концерт. 17.30 Туркия Давлат рақс ансамблининг концерти. 18.00 «Унутилган ҳудолар». Ҳужжатли фильм. 1-серия. «Ер ва осмон». 18.50 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Мультфильм. 19.40 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Волейбол. Жаҳон чемпионати. 22.15 «Бегона шаҳарда ёққан ёмғир». Бадиий фильм. 1-серия.

30 октябрь, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Табиат ва биз. Кинопрограмма. 12.10 «Қамоқ муддати ўтгунгача». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.00 Осойишталик посбонлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Созимда севги васфи. Мусиқий кўрсатув. 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 Ахборот. 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. Навоий гулшани. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 Ш. Холмирзаев. «Қора камар». Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

УзТВ-II. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшом». **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Наврўз-90». Г. Горин. «Эслаб, дуо қил». Спектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Жарликлар». Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 11.35 Концерт. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 17.05 «Антиқа хола». Бадиий фильм. 1-серия. 17.50 Бор бўл, мусиқа!. 18.30 Қўллар орасидаги ҳаёт. 19.00 Время. 19.35 Долларб интервью. 19.45 Шеъриятлаҳзалари. 19.50 Нодипломатик суҳбатлар. 20.10 «Жарликлар». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 Время. 22.00 Парламент хабарномаси. 22.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.30 Время. 01.30 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 ва 10.55 Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 «Анна Ахматова. Кундаликдан саҳифалар». Ҳужжатли фильм. 13.05 «Бегона шаҳарда ёққан ёмғир». Бадиий фильм. 1-серия. 14.15 Концерт. 14.55 Ритмик гимнастика. 17.30 Мультфильм. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Время. 19.30 «Бу Пеле». Телевизион ҳужжатли фильм. (Бразилия). 20.20 Кичик концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Орол». Балаам оролида яшовчиларнинг ҳаёти мисолида аҳлоқ тақчиллиги ҳақида. 21.30 Концерт. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.01 «Бегона шаҳарда ёққан ёмғир». Бадиий фильм. 2-серия.

31 октябрь, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 «Бегоналар бу ерда юрмайди». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар тўплами. 18.50 Эл дастурхонига. Тошкент шаҳар меҳнаткашларини қиш мавсумида мева-сабзавотлар билан таъминлаш ҳақида. 19.20 Ахборот. 19.50 «Муштум» жаридаси саҳифаларида. 20.20 «Ўғил, набира, авара». Манзарали фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 «Грета вилласининг сири». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 Қиш ғамида... 19.50 «Лада». Кипрда ва Грециядa». Телефильм. 20.00 Тошкент хабарлари. 20.10 Йўлингиз бехатар бўлсин. Бевосита мулоқот. 21.10 Юксалиш. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Негатив». Бир жиноий иш воқеаси. 1-кўрсатув. 22.40 Пахтакорлар учун кўрсатув. 23.20 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 1-серия. — «Машаққатли куз».

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Жарликлар». Бадиий фильм. 3. ва 4-сериялар. 11.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси. 12.00 Дунё бўйлаб. Альманах. 13.00 Время. 17.05 «Антиқа хола». Бадиий фильм. 2-серия. 18.00 Болалар соати. 19.00 Время. 19.30 Ишчан курьер. 20.00 Мультфильмлар. 20.10 «Жарликлар». Бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Коллаж. 22.05 Сўз. Адабий-бадиий программа. 00.05 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш асослари. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 12.05 ТелеЭКО журнали. 13.05 «Бегона шаҳарда ёққан ёмғир». Бадиий фильм, 2-серия. 14.10 «Томдан баланд». Ҳужжатли фильм. 14.30 Мультфильм. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 Мультфильм. 18.25 Америкаликлар Россияда. 19.00 Время. 19.30 Концерт. 19.40 Европа кооператив ташкилотларининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Коллаж. 20.50 Театр суҳбати. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.10 «Сентябрдаги отпуска». Бадиий фильм. 1-серия.

1 ноябрь, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Мусиқа дарси. 12.00 Ҳужжатли фильмлар. 12.30 Табиатшунослик. 13.00 «Грета» вилласининг сири». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.00 Мультфильм. 18.20 Фанга бағишланган умр. ЎзССЖ ФА мухбир-аъзоси Т. Н. Долимов. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 Ахборот. 20.40 Унутилмас сатрлар. Мискин. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.00 Ўзбек халқ классик қўшиқларидан концерт.

УзТВ-II. 19.05 Мультфильм. 19.15 «Омадли жентльменлар». Бадиий фильм. 20.40 Шарқ либослари фестивали. 21.25 Тижорат хабарлари. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Негатив». Бир жиноий иш воқеаси. 2-кўрсатув. 22.40 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 2-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Жарликлар». Бадиий фильм. 4-серия. 10.20 Футбол қироли Пеленинг 50 йиллиги шарафига матч-бенефис. Италиядан кўрсатилади. 12.00 Болалар соати. 13.00 Время. 13.40 Коллаж. 16.30 Мусиқий хазина. 17.30 Қувноқ сатрлар. 18.15 ...16-ёшгача ва ундан катталар. 19.00 Время. 19.30 «Коммунизмдан сўнг». Ҳужжатли фильм. 19.50 Футбол қироли Пеленинг 50 йиллиги шарафига матч-бенефис. Италиядан кўрсатилади. 21.30 Время. 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Эфирда мусиқа. Сайланмалар. 22.45 Руслар Парижда. 23.45 Концерт. 01.00 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 «Европа синия Полоцкая». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Сентябрдаги отпуска». Бадиий фильм. 1-серия. 14.10 Мультфильм. 14.30 Концерт. 14.55 Ритмик гимнастика. 17.30 Мультфильм. 17.40 Чечен-ингушия МССЖ Давлат телерадиоси. 18.40 Концерт. 19.00 Время. 19.30 Мультфильм. 19.40 «Лонга май — узоқ яша». 2-кўрсатув. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 А. Блок. Шахматовода. 21.45 Концерт. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.40 «Сентябрдаги отпуска». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Кўчма телевизион станциянинг ишга туширилиши туфайли Наманган вилояти телевиденнеси кўрсатувлар намойиш эта бошлади. Келгуси йилдан бошлаб ҳафтасига уч марта эшиттиришлар олиб бориш кўзда тутилмоқда.

УзТАГ суратка мухбири А. Ковтун олган лавҳада операторлар Баҳодир Ҳамроҳўжаев (чапда) ва Фарҳод Тожибоев тасвирланган.

*

2 ноябрь, жума

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 «Рақс сеҳри». Фильм-концерт. 12.30 Жуғрофия. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Келди-ю, кетди». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Бухорода ўтказилган Шарқ қўшиқлари фестивали. 19.00 «Ёшлик». 19.30 Ахборот. 19.50 «Қадрият». Собир ота яратган боғ. 20.20 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 Ахборот. 20.50 Дутор ва танбур тароналари. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида. 23.00 «Бўстон». Тележурнал.

УзТВ-II. 19.05 «Тошкент» студияси. 20.00 Пульс. 20.10 «Бу оқшом» кўрсатувининг давоми. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Негатив». «Бир жиноий иш воқеаси». 3-кўрсатув. 22.40 Пахтакорлар учун кўрсатув. 23.20 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 3-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.05 Мультфильм. 11.15 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.15 ...16-ёшгача ва ундан катталар. 13.00 Время. 17.10 Тарих. 17.55 Томошабинлар меҳри соврини кинофестивали. 18.25 Куз. Таруса. Цветаева... 18.50 Сиёсий мулоқотлар. 19.50 Контакт-форум. 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «В и Д» таништиради: 21.30 Время. 22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 22.15 Матвей Блантер қўшиқлари. 22.40 «В и Д» таништиради. 01.40 «ТСН».

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 ва 12.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.05 «Бугунги Буюк Британия». 13.05 «Сентябрдаги отпуска». Бадиий фильм. 2-серия. 14.15 Ҳужжатли фильм. 14.55 «Остап Стахивнинг қуйловчи бандураси». 17.30 Мультфильм. 18.05 Виолончелист ҳаётидан. 19.00 Время. 19.30 «ТВ ва ТУ». 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Коллаж. 20.50 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. 21.35 Спорт ҳамма учун. 21.50 Халқаро конкурслар лауреати. 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясидан. 23.40 «Таня». Бадиий фильм.

3 ноябрь, шанба

УзТВ-I. 8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 Шанба экрани. 10.00 Ўзбекистон спорти. 10.20 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм. 11.35 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти. 12.05 Турмуш ва иқтисод. 12.35 Қувноқ саргузаштлар. 13.05 Офат ва нажот. 13.35 «Чаман» ансамблининг концерти. 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Кино жавонидан. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.00 «Доиранинг доврўғи». Видеофильм. 22.50 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-серия.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Савту калом». 9.55 «Данғиллама ўй» Телеспектакль. 11.40 «Тоғлар ҳам бизга жўр бўлмоқда». Фильм-концерт. 12.05 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм, 4-серия. 18.05 Мутлақо махфий эмас. 18.35 Мультфильмлар. 19.00 Новости. 19.20 Шеърият дафтаридан. Камол Насрулло. 19.50 Инсон ва қонун. 20.30 Ахбор. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 «Ўғирлик» Теленовелла. 22.45 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм. 4-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 Чашмалар. 10.00 «Партнёр». Тижорат ҳабарномаси. 10.30 Инсон. Ер. Коинот. 11.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия. 13.25 «Прогноз». 13.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм, 2-серия. 15.05 Шеъриятлаҳзалари. 15.10 Мультфильмлар. 15.30 Сиёсий мулоқотлар. 16.00 Ҳайвонот оламида. 17.00 Болалар учун телекўрсатувлар I Бутуниттифоқ фестивалининг совриндорлари. 17.15 Мультфильмлар. 17.40 Ангажемент. 19.15 Халқаро панорама. 20.00 ССЖИ ҳукуматида. 20.10 «Шамол олиб кетганлар». Бадиий фильм 21.30 Время. 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 «Золотое кольцо» ансамблининг концерти. 22.30 Парламент хабарномаси. 22.45 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Италия — ССЖИ. 00.25 «ТСН». 00.40 Тунги мусиқий қаҳвахона.

МТ-II. 8.30 Бадантарбия. 8.45 Болалар учун фильм. «Ақлли буюмлар». 1 ва 2-сериялар. 10.55 «Ўттиз тўққизинчи йил сентябри». Ҳужжатли фильм. 11.25 Майдон. 12.25 Коллаж. 12.30 Теннис. Парижнинг очиқ чемпионати. 13.15 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. 14.00 «Оила» телепрограммаси. 15.00 Ўзбекистон телевидениеси видеоканали. 17.30 Контакт-форум. 18.00 Мультфильм. 18.30 «НЛО: эълон қилинмаган ташриф» 19.30 «Пи» белгиси билан. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Пи» белгиси билан. 21.30 Время. 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 23.30 «Пи» белгиси билан. 01.00 «Тузоқ». Бадиий фильм.

4 ноябрь, якшанба

УзТВ-I. 8.00 Ҳафтанома. 9.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 9.50 «Қувноқ стартлар». 10.50 «Ҳамма гап ақамда». Бадиий фильм. 12.05 Халқ ижодиёти. 12.45 «Касбим-фахрим. 13.10 Алифбо сабоқлари. 13.45 Даврага кел, дугонажон. 17.00 Футбол. «Пахтакор» — «Қайрат». 18.50 Аралаш. 19.00 «Кичкинтой» программаси. 19.30 Ахборот. 19.45 «Келинг бир кулишайлик». 20.30 Ахборот. 20.50 Дил наволари. 21.30 Время. 22.00 «Ишдаги ишқ» Бадиий фильм. 2-серия.

УзТВ-II Душанбе 9.00 «Сапеда». 10.05 Реклама. 10.15 «Яхши дегани нима?». 10.55 «Бахтли тасодиф». Фильм-концерт. 11.55 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм, 5-серия 17.55 «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм, 5-серия. 19.25 Маснавий маънави Жалолиддин Румий. 20.00 «Ҳафта». 20.30 Концерт программаси. 21.30 Время. 22.00 «Сув эгаси». Бадиий фильм 23.05 «Телетомошабин ҳамроҳи».

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Здоровье. 13.45 Мусиқий киоск. 14.15 Болалар учун телекўрсатувлар I Бутуниттифоқ фестивалининг совриндорлари. 14.45 Немис диёридаги учрашувлар. 15.45 Қишлоқ янгиликлари. 17.00 «Олтин соч». Бадиий фильм. 18.30 Конкурсдан сўнгги ўйлар. 19.05 «Май ойида ёққан қор». Бадиий фильм. 20.05 1990 йил қўшиқлари. 21.30 Время. 22.00 Оддий ва мангулик ҳақида. 22.15 Ерона масканимиз. 22.30 Қўғирчоқ фильм концерт. 23.10 «Хорда эса менинг овозим эшитилиб туради».

МТ-II. 8.00 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Вьетнам — парвозга айланган аждаҳо». 9.45 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. 10.30 Саёҳатчилар клуби. 11.30 Биз яшаётган олам. 12.05 Телеспектакль. 13.45 Удмурдистон жумҳурияти Давлат телерадиоси. 14.15 Ўзбекистон телевидениеси видеоканали. 16.45 Мультфильм. 16.55 Планета. 17.55 «КВН—90». 19.40 Консерваториянинг катта залида. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Теннис. Париж очиқ чемпионати. 21.30 Время. 23.00 «Ревизор». Фильм-спектакль.

№ 247. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12